



LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

“ҚЎҚОН МЕХАНИКА ЗАВОДИ”АЖ нинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти юзасидан

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Республикаси
Фарғона ш., Янгиобод кўч.- 5
Тел.: (+998 91) 651-80-13

Фарғона ш.- 2023й.

АХС 320 “Аудитни режалаштириш
ва бажаришда муҳимлилик”

“Келишилган”

«Қўқон механика заводи» АЖ

Ш.Юлдашев

11.04.2023 й

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

МЧЖ “ТТТ-AUDIT” аудиторияк ташкилоти

бош директори Ботиров М.Х.

2023 й



АУДИТНИНГ УМУМий РЕЖАСИ

Текширилаётган ташкилот «Қўқон механика заводи» АЖ

Аудит даври: 01.01.2022 йилдан – 31.12.2022 йилгача.

Киши-соатлар сони - 2 аудитор

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Бош директор Ботиров М.Х

Бош Аудитор: Хожиакбаров.С

Аудитор: Расулов.А

N	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изоҳлар
	КИРИШ КИСМ			
1	Аудитнинг умумий режасини, аудит дастурини тайёрлаш	14.04.2023 30.04.2023	С.Хожиакбаров; Расулов.А	
2	Жиддийлик даражаси, хатар даражаси ва тегишли танлаш ҳажмини аниқлаш			
3	Мувофиқлилик ва ҳаққонийлик предмети бўйича молиявий ҳисоботларнинг таҳлили			
	АСОСИЙ КИСМ (Таҳлилий)			
4	Ички назорат тизими таҳлили	14.04.2023 30.04.2023	Аудитор: С.Хожиакбаров; Расулов.А	
5	Ҳисоб сиёсати аудити			
6	Корхона ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг аудити			
7	Жорий мажбуриятлар ва олинadиган счетлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити			
8	Асосий воситалар аудити			
9	Товар моддий захиралар аудити			
10	Номоддий активлар ва молиявий инвестициялар аудити			
11	Дебитор ва кредиторлар аудити			
12	Ходимлар билан ҳисоб-китоблар аудити			
13	Бюджет билан ҳисоб китоблар			
14	Банк кредитлари аудити			
15	Даромадлар аудити			
16	Давр харажатлари, молиявий фаолият натижалари бўйича харажатлар аудити			
17	Кечиктирилган даромадлар, келгуси давр харажатлари аудити			
18	Солиқлар ва мажбурий ажратмалар аудити • Турлари бўйича:			
19	Ижтимоий солиқлар аудити; Турлари бўйича			
	Якуний кисм			
20	Аудит ҳисоботини тузиш	14.04.2023	С.Хожиакбаров	
21	Аудит ҳулосасини тайёрлаш	30.04.2023	С.Хожиакбаров	

Тўзди: Бош аудитор

С.Хожиакбаров

“ҚЎҚОН МЕХАНИКА ЗАВОДИ” АЖ
кузатув кенгаши

Ушбу битимдан мақсадимиз биз, миждоз корхонанинг аудиторлари сифатида ва ўзимиз, аудиторлик ташкилоти вакиллари сифатида қандай шароитларда ишлашимизни аниқлашдан иборат.

1. Аудит

Сиз жамият раҳбари сифатида тўғри ва ишончли маълумотларни тақдим этадиган ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилган бухгалтерия ёзувларини юритиш (*ташқил этиш*) ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун жавобгарсиз. Зарур бўлганда, жамиятнинг барча бухгалтерия ҳужжатлари ва барча тегишли маълумотларни, шу жумладан жамият раҳбариятининг баённомалари ва муассисларнинг йиғилиш баённомаларини бизга тақдим этиш учун ҳам жавобгарсиз.

Биз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият аъзолари (муассислари) олдида, жамиятнинг молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги тақдим этган ҳисоботимиз, ҳамда жамиятнинг ҳисобот йилидаги фаолияти, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлари тўғрисида тўғри ва ишончли маълумотларни акс эттирганимиз учун жавобгармиз.

Бизнинг фикримизча, биз қуйида келтирилган масалаларни муҳокама қилишимиз ва ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳулосалар чиқаришимиз шарт:

- агар жамият бухгалтерия ёзувларини амалга оширган бўлса ва ҳисобот, филиаллар (биз текширув ўтказмайдиган бўлинмалар) дан олинган маълумотларга, мос келадиган бўлса;
- агар жамиятнинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи бухгалтерия ёзувлари билан мос келадиган бўлса;
- агар биз аудиторлик текшируви мақсадларида зарур бўладиган барча маълумотларни ва барча тушунтириш ҳамда изоҳларни олсак;
- агар директорлар кенгашининг ҳисоботи аудиторлик текшируви ўтказилган молиявий ҳисоботларга тўғри келадиган бўлса.

Бундан ташқари, шартларни муҳимликни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг ҳулосамиз билан бирга тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар ҳам бўлиши керак. Масалан, агар молиявий ҳисоботда кенгашнинг иш ҳақи ёки уларнинг жамият билан тузган бошқа операциялари келишув битимлари ҳақида тафсилотлар ошқор этилмаса, бизнинг фикримизча ундай ҳолатда меъёрий қонун талаблари ёки аудит стандартлари ушбу материалларни текширувга тақдим қилинишини тақозо этади.

Биз бирламчи ҳужжатларни тайёрлашдаги жиддий бузилишлар, уларнинг йўқлиги, белгиланган бухгалтерия ҳисоби стандартларини бузилиши, бюджет билан ҳисоб китоблар, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар бўйича ҳисоб–китобларимиз бўйича, шунингдек амалдаги қонунчилик бузилишлари бўйича берган фикримиз ва аудиторлик ҳулосамиз учун биз профессионал тарзда масъулмиз.

Шундай ҳолатларда биз салбий ҳулоса беришимиз мумкин, бу ҳолда бу асосли бўлади.

Бизнинг аудиторлик ташкилот амалдаги ички стандарт қоидалари бўйича ва қоидаларга риоя қилган ҳолда аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувини ўтказди. Бундан ташқари ҳулосамизга янада ишонч ҳосил қилиш учун зарур деб ҳисоблаган тақдиримизда, биз мулкка эгалик қилиш, активлар ва мажбуриятларни баҳолаш операцияларнинг ишончилигига биз тестларни ўтказишимиз мумкин.

Биз бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва молиявий ҳисоботлар ўртасидаги муҳимликни аниқлашимиз, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритишни баҳолашимиз керак. Биз асосли фикр билдиришимиз учун етарли даражада керакли ва ишончли маълумотларни олишимизга умид қиламиз. Тестларимизнинг предмети ва ҳажми бизнинг ички назорат тизимининг бухгалтерия ҳолатини баҳолашимизга ва жамият фаолиятининг жиҳатларига ҳам боглиқ. Сизга жамиятда содир бўлган ва биз қайд этган барча муҳим эслатмалар, хатолар тўғрисида маълумот берамиз.

Бизнинг тасдиқланган, аудиторлик текшируви жараёнимизнинг бир қисми сифатида биз сизданзарур деб ҳисоблаган баъзи масалалар бўйича ёзма далилларни ёки оғзаки тушунтиришларни талаб қилишимизмумкин.

Сизнинг молиявий ҳисоботингиз тўғрилигини текшириш учун биз сизнинг барча ҳужжатларингизни, бухгалтерия регистрларини ва бошқа ҳисоботларни, шу билан бирга молиявий ҳисобот билан бирга нашр этилиши керак бўлган ижро органи ва директорларнинг ҳисоботларини кўришимиз(таҳлил қилишимиз) шарт.

Сизнинг жамиятингиз шароитида биз бошқарув директорлари амалга оширган барча ҳаракатлар ва операцияларни назорат қилишда жуда яқиндан иштирок этишларини назарда тутамиз. Аудиторлик текширувини ўтказиш ва режалаштиришда биз уларнинг кузатув ва назоратлари тўғрисида маълумотларни кўриш лозим бўлади. Жамият томонидан амалга оширилган барча операциялар бухгалтерия ёзувларида ҳақиқатда ва ўз вақтида акс этганлаги тўғрисида бизга маълумот бериш учун барча маълумотларни қўшимча тасдиқлашни сўрашимиз ҳам мумкин ва бизушбу маълумотларни аудиторлик ҳулосасида ҳавола қилишимиз мумкин.

Хатолар ва суистеъмолликларни олдини олиш ва ошкор қилиш ҳар иккимизнинг зиммамиздаги вазифамиз ҳисобланади. Аммо биз бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг нотўғрилигини келтириб чиқарган хатолар ва суистеъмолликлар қилишнинг энг муҳим (асосий) ҳолатларини аниқлай оладиган тарзда аудиторлик текширувини режалаштиришга ҳаракат қиламиз, лекин бизнинг аудиторлик текширувимиз юзага келадиган барча хатоликлар ва суистеъмолликларни юз фоиз ошкорқилинишигақафолат бўлмайди.

Барча аудиторлик мажбуриятларимизни бажариш учун биз фақат тақдим қилинган маълумотларга таяна олмаймиз, биз солиқ, банк ва бошқа муасасаларнинг маълумотларидан фойдаланишимиз ҳам мумкин.

2. Қўшимча консалтинг профессионал хизматлари.

Биз солиқ ва молиявий бошқарув режалаштириш соҳасида мутахассис ва экспертларни таклиф қилиш имконига ҳам эгамиз. Шунингдек, биз директорлар ва раҳбарларга солиққа тортишнингўзига хос вазиятларида аниқ маслаҳатлар беришга ҳаракат қиламиз.

Бизсизга солиқ билан боглиқ бўлган чигалвазиятларни ҳал қилишда доимий ёрдам ва маслаҳатлар беришга тайёرمىз, шунингдек жамиятингизга хизмат кўрсатиш ва тижорат фаолиятини режалаштириш ва амалга оширишда алоҳида таъсир кўрсатадиган ҳолатларда маслаҳатлар беришимиз мумкин.

3. Шартномалар ва шартлар бўйича келишув.

Бизнинг келишув хатимиз бир аудиторлик топширигидан иккинчисига қадар амал килади. Агар сиз ушбу келишувда масалалар бўйича бирор ҳолатдан норози бўлсангиз ёки ушбу келишув битим масалаларига розилик билдирганингизни тасдиқланиши шартлигини билдирамиз.

4.Келишув битими тасдиқланди.

МЧЖ «ТТТ-AUDIT»АТ

“ҚЎҚОН МЕХАНИКА ЗАВОДИ”АЖ

Масъул шахс _____

Масъул шахс _____

(ИМЗО)

Сана «16» 09 2023 й

Сана « » 2023 й

М.Ў

М.Ў



Кўрсатилган хизматларни топшириш ва қабул қилиш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

30.04.2023 й

Фарғона ш

Бизлар қуйида имзо чекувчилар **МЧЖ “ТТТ- AUDIT”** аудиторлик ташкилоти “Иш бажарувчи” деб юритилади, бош директори **Ботиров М Х** бир томондан ва иккинчи томондан «Қўқон механика заводи»АЖ директори **Ш.Юлдашев** кейинги матнларда “Буюртмачи” деб юритилади тузамиз ушбу иш топшириш ва қабул қилиш далолатномасини шу мазмундаким, 16.01.2023 йил кунидаги № 323 сонли аудиторлик хизмати кўрсатиш шартномасига асосан “Иш бажарувчи” кўрсатилган хизматлар юзасидан 2022 йил аудиторлик хисоботини ва иловаларини муддатида тақдим этди ва “Буюртмачи” қуйидаги хизматларни қабул қилди.

“Иш бажарувчи”

МЧЖ “ТТТ- AUDIT” АТ
МЧЖ директори



Ботиров М Х

“Буюртмачи”

«Қўқон механика заводи»АЖ
директори

_____ **Ш.Юлдашев**

М.Ў.

**«Қўқон механика заводи» АЖ нинг 31 декабр 2022 йил ҳолатига
яқунланган молиявий ҳисоботларини тайёрлаш тузиш ва тасдиқлаш
тўғрисидаги масъулият бўйича**

Баёнот.

Қуйидаги тасдиқ аудиторлик ташкилотини, мустақил аудиторнинг, аудиторлик ҳисоботида қайд қилинган мажбуриятлари билан жамият бошқарув хайъатининг молиявий ҳисоботларни тузишдаги ва молиявий ҳисоботларини тасдиқлаб чоп этишдаги маъсулиятларини чегаралаб олиш мақсадида қўрилиши лозим.

Жамият бошқаруви 31 декабр 2022 йил ҳолатига тузилган жамиятнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тузилганлиги ва барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари талаблари даражасида тузилганлиги учун масъулдир.

Молиявий ҳисоботларни тузишда жамият бошқаруви қуйидагилар учун маъсулдир:

- ҳисоб сиёсатининг тўғри танланиши ва қўлланилишини таъминлаш бўйича;
- маълумот тақдими, шу жумладан, асосий бухгалтерия ва филиаллар сиёсати тўғрисидаги маълумотлар, бундай маълумотларнинг долзарблиги, ишончлилиги, таққосланиши ва тушунарлигини таъминлайдиган шаклда;
- баъзи бир операциялар, шунингдек бошқа ҳодисалар ёки шароитлар компаниянинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига таъсирини тушуниш учун молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун БХМС талабларига мувофиқлиги етарли бўлмаган ҳолларда қўшимча маълумотларни ошкор қилишда;
- келажакда Жамиятнинг фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолашда.

Шунингдек, жамият бошқарув ходимлари қуйидагилар учун маъсулдир.

- Самарали ва ишончли ички назорат тизимини шлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича;
- Жамиятнинг операцияларини ошкор қилиш ва тушунтиришга имкон берадиган шаклда ёзувларни юритиш, шунингдек жамиятнинг молиявий ҳолати бўйича ҳар қандай санада етарли аниқликдаги маълумотларни тақдим этиш ва молиявий ҳисоботларнинг БХМС талабларига мувофиқлигини таъминлашда;
- бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ юритишда;
- жамият активлари ҳавфсизлигини таъминлаш учун барча оқилона чораларни қўриш;
- молиявий ва бошқа суистеъмол фактларини аниқлаш ва олдини олишда.

«Қўқон механика заводи» АЖ

Бошқарув органи томонидан

Тасдиқланиб имзо қўйилган.

Сана: « 11 » 04 2023 й _____
(имзо)

М.Ў

Мундарижа

1.1. Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот	4
1.2. Мижоз тўғрисида маълумот.....	4
2. Жамият фаолиятининг ҳуқуқий асослари, Устав Фондини шакллантириш.....	5
3. Аудит вазифалари ва усуллари.....	4
4. Аудиторлик текшируви методологияси	5
II. Таҳлилий қисм.....	6
1. Ички назорат ва ҳисоб тизимлари ҳолати аудити	7
2. Соф активлар таҳлили	9
3. Молиявий аҳамиятлилик даражасини ҳисоблаш.....	9
4. Молиявий ҳисоботларнинг дастлабки таҳлили	10
5. Асосий воситалар ва амортизация ҳисобининг аудити	11
6. Номоддий активлар бухгалтерия ҳисобининг аудити.....	12
7. Узоқ муддатли инвестиция аудити	12
8. Капитал қўйилмалар ҳисоби аудити	13
9. Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар аудити	13
10. ТМЗ ларни ҳисобга олиш аудити.....	14
11. Материалларни таёрлаш ва харид қилиш ҳисоби аудити.....	15
12. Асосий ишлаб чиқариш	15
13. Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисобига олувчи счётлар аудити.....	16
14. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб китоблар аудити.....	17
15. Таёр маҳсулотлар аудити	18
16. Товарлар аудити.....	18
17. Келгуси давр харажатлари аудити	18
18. Жорий дебиторлик ва жорий кредиторлик қарздорликлари ҳисобининг аудити	19
19. Ғазна ва ғазна муомилалари аудити	20
20. Пул маблағлари ҳисобининг аудити	20
21. Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа активларнинг ҳисобга олувчи счёлар аудити	21
22. Узоқ муддатли кредиторлик қарзлари аудити.....	22
23. Хусусий капитал ҳисобининг аудити.....	22
24. Резерв капитал аудити.....	24
25. Иш ҳақи операциялар ва ходимлар билан ҳисоб китоблар аудити.....	25
26. Даромадлар аудити.....	25
27. Хизматлар таннари, давр харажатлари ва молиявий фаолият харажатларининг аудити.....	26
28. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб китоблар аудити.....	28
29. Активлар бутлигини текшириш аудити.....	35
30. Молия ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш натижалари	35
31. Жамиятнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш.....	36
III. Яқуний қисм	37

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХИСОБОТИ

Сана : 30.04.2023 й

Аудитнинг халқаро стандартлари АХС №-700 сонли “Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр билдириш ва ҳисобот бериш” аудитнинг халқаро стандартларига асосан, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош аудитори Хожиакбаров С ва аудитор ёрдамчиси Расулов Алар томонидан, Қўқон шаҳар «Қўқон механика заводи» АЖ нинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик ҳисоботи—бу Жамият раҳбарига, мулкдорларига, иштирокчиларининг умумий йиғилишига тақдим этилувчи ва ўзида аудиторлик текшируви йўли билан бухгалтерия ҳисобини олиб боришда аниқланган камчиликлар, молиявий ҳисоботидаги камчиликлар, ҳамда аудиторлик текширувини олиб боришда олинган бошқа маълумотларни акс эттирувчи ва аудиторлик ҳулосасини тузишда асос бўлувчи ҳужжатдир.

Ушбу Аудитнинг халқаро стандартларини (қуйида АХС) қўллаш доираси :

АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ АХС № -200 «МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ УМУМЙ МАҚСАДЛАРИ ВА АУДИТНИ АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ»ГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИШ

АХС № 200 Молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказилишида, Аудитнинг мақсади эҳтимол тутилаётган фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботларга бўлган ишончи даражасини оширишдан иборат. Бу мақсадга молиявий ҳисоботлар барча муҳим жихатларда молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосига мувофиқ тайёрлангани ҳусусида аудитор фикри (ҳулосаси)ни билдириш йўли билан эришилади. Умумий мақсадли асоснинг аксарияти билан боғлиқ ҳолларда бундай фикр молиявий ҳисоботлар барча муҳим жихатларда ҳаққоний тақдим этилгани ёки этилмагани ёнги улар тақдим этиш асосига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур бериши ёки бермаслиги ҳусусида билдирилади. АХС ва тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ ўтказиладиган аудит аудиторга бундай фикрни таърифлаш имконини беради.

АХС № 210 Аудитнинг Халқаро Стандарти "Аудит келишуви шартларини келишиш" АХС 200 "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш" контекстида Ушбу Аудитнинг Халқаро стандарт» (АХС)да аудиторнинг аудит келишуви шартларини тадбиркорлик субъекти раҳбарияти билан ва, зарур ҳолда, бошқарув юклатилган шахслар билан келишиш пайтидаги мажбуриятлари кўриб чиқилади. Бу мажбуриятлар аудит ўтказишнинг белгилаб қўйилган, бажариш учун жавобгарликтадбиркорлик субъекти раҳбарияти ва, зарур ҳолда, бошқарув юклатилган шахслар бўйнида бўлган дастлабки шартлари бажарилганини аниқлашни ўз ичига олади. АХС 220 да келишувни қабул қилишнинг аудитор назорат қилиши мумкин бўлган жихатлари кўриб чиқилади

- АХС 705¹ ва АХС 706² да аудитор томонидан билдирилган модификацияланган фикр ёки аудитор томонидан аудиторлик ҳисоботи (ҳулосаси)га киритилган тушунтириш параграфи ёки бошқа масала параграфининг аудиторлик ҳисоботи (ҳулосаси)га таъсири кўриб чиқилади.

Ушбу АХС аудиторлик ҳисоботи (ҳулосаси)да изчилликка риоя қилишни амр этади. АХСга мувофиқ аудит ўтказишда аудиторлик ҳисоботи (ҳулосаси)даги изчиллик жаҳон бозорида унга нисбатан ишончни таъминлайди, дунё миқёсида эътироф этилган стандартларга мувофиқ ўтказилган аудиторлик текширувини осонгина аниқлаш учун имконият яратади. Шунингдек бу

гайриоддий вазиятлар юзага келганда фойдаланувчи уларни тушуниши ва аниқлашини осонлаштиришга ҳам ёрдам беради.

1.1. Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот

Аудиторлик ташкилоти номи:	«ТТТ - Audit» МЧЖ АО (матнда – “Аудиторлик ташкилоти”)
Юридик манзили:	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Янгиобод кўчаси, 5-чи уй
Телефон / факс:	(91) 651 80 13; (95) 400 80 13
Давлат рўйхатидан ўтганлиги:	Адлия вазирлигида 1997 йилнинг 12 майида давлат рўйхатидан ўтган. Рўйхат рақами №335
Аудиторлик ташкилоти Лицензияси:	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Лицензияси АФ № 00773 05.04.2019 йилда берилган.
Аудиторлик ташкилотининг касбий жавобгарлигини суғурталаш Полиси	087359-сонли суғурта полиси «DD General Insurance» МЧЖ шаклидаги суғурта компаниясидан берилган. 2022 йилнинг 29 декабрда 0530/1306/1/2200342-сон билан рўйхатга олинган.
Ҳисоб рақам:	2020 8000 1009 2188 6001
Банк:	ХАБ«Trast bank» Фарғона, МФО 01123
ИНН:	202 216 926
ҚҚС тўловчиси коди	330050137061
Аудиторлик ташкилоти бош директори, аудитор	Ботиров Махаммад Ҳошимович, аудиторнинг малака сертификати 05052-сон, 2012 йилнинг 25 августида берилган.
Аудитор	Ҳожиакбаров Саттор Ғофурович. Аудитор Малака сертификати № 05468 27.02.2022 йил Молия Вазирлиги томонидан берилган
Аудитор ёрдамчиси	Расулов Абдурашид солиевич. Аудитор Малака сертификати № 05998 21.08.2022 йил Молия Вазирлиги томонидан берилган
Асос:	16 май 2022 йилдаги №280 сонли Шартнома.
Текширув даври	01.01.2022й.дан 31.12.2022й.гача
Текширувни тугатиш санаси	2023й.

1.2. Мижоз тўғрисида маълумот

Тўлиқ номи:	“Қўқон механика заводи”АЖ
Юридик манзили:	Фарғона вилоят Қўқон шаҳри Қоғозгар кўчаси 1-уй
Низом жамғармаси	(Фарғона вилояти бошкармаси Қўқон шаҳар давлат хизматлари маркази 28.01.2019 йил 237099 кун қайта рўйхатга олинган). «Қўқон механика заводи» АЖ акциядорларнинг 20 январ 2020 йил кунги навбатдан ташқари умумий йиғилиши. Устав фонди: 22 364 520 дона, 900 сўмдан 20 128 068 минг сўмга шакллантирилган.
Жорий ҳисоб рақами:	№20210000700215970001 Ҳамкор банк Қўқон бўлими, МФО 00956
ИНН:	200127136
ОКЭД	ОКЭД 25290 ОКОНХ 18121 Саноат ишлаб чиқариш
Аудит текшируви тури	Мажбурий аудиторлик текшируви (“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддаси).

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият молия-хўжалик фаолиятининг асосий мақсади-акциядорлар манфаатлари

учун фойда олишдир.

2.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадлари, келгусида Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида нефт ва газ ишлаб чиқариши, кимё ва машинасозлик саноати,

шунингдек халқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари учун зарур ускуналар ишлаб чиқаришдан

иборат.

2.3. Жамият ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни

ҳал этади:

- нефт ва газ маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар ишлаб чиқариш ишларининг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш, мувофиқлаштириш, аниқлаш ва назорат қилиш, шунингдек уларнинг самарали тизимлари ва усулларини жорий этиш;
- хорижий мамлакатлар ва жамиятлар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва сармоявий ҳамкорликни ҳар жиҳатдан кенгайтириш;
- соҳанинг самарали ривожини таъминлаш мақсадида чет эл сармояларини жалб этиш;
- янги технологиялар ва менеджментнинг илғор усулларини жорий этиш.

2.4. Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шўгулланиши, шунингдек ўзига қарашли бўлинмалар, Жамиятлар ишини яхшилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

2.5. Жамият маҳсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолиятни амалга ошириш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олганидан сўнг ҳақли ҳисобланади.

«Қўқон механика заводи» АЖ (бундан буён матнда "Жамият" деб юритилади) юридик шахс бўлиб, алоҳида мол-мулкка эга, мустақил балансга, банк ҳисобрақамларига, ўз номи ёзилган муҳр ва бурчак тамғасига, бланкаларига эга ва ўз фаолиятини устав асосида амалга оширади.

«Қўқон механика заводи» АЖ ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган мол-мулк билан, амалдаги қонунчиликка кўра, жавобгардир. «Қўқон механика заводи» АЖ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, қарор қабул қилувчи органларнинг қарорларига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларига риоя этган ҳолда амалга оширади.

«Қўқон механика заводи» АЖ иқтисодий ҳисоб-китоб тамойиллари асосида фаолият юритади, ҳўжалик фаолияти натижалари учун, шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджет ва меҳнат жамоаси олдида жавобгардир.

2. Жамият фаолиятининг ҳуқуқий асослари, Устав Фондини шакллантириш

«Қўқон механика заводи» АЖ нинг Низоми Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти бошқармаси Қўқон шаҳар давлат хизматлари маркази 28.01.2019 йил 237099 кунли қайта рўйхатга олинган. «Қўқон механика заводи» АЖ акциядорларнинг 20 январ 2020 йил кунги навбатдан ташқари умумий йиғилиши. баённомаси билан тасдиқланган.

Ҳисобот даврида устав капитали миқдори – 20 128 068 ,0 минг сўмни ташкил этади.

3. Аудит вазифалари ва усуллари.

Жамият раҳбарияти томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланиб, биз аудиторлик текширувини Халқаро Аудит Стандартлари (ХАС) га мувофиқ бажардик.

Жамият фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини тушунган ҳолда ва мавжуд бошқарув ва бухгалтерия тартибларини ҳисобга олган ҳолда аудит дастури ишлаб чиқилди.

Директор имзоси

Аудитор

5 из 37

Аудит давомида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:
Жамиятнинг молиявий ҳисоботлари;

давлат бюджетига бадаллар ва тўловлар ҳисоботлари ва ҳисоб-китоблари,

1С дастури маълумотлари: айланма баланс, журнал-ордер, банк ҳисоботлари, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, 2022 йил 1-январдан 31-декабргача бўлган давр учун буруқлар ва фармойишлар;

ҳисоб сиёсати, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар;
бошқа ахборот манбалари.

Жамият раҳбарияти молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича тақдим этилган маълумотлар учун жавобгардир. Биз ушбу молиявий ҳисоботларни текширдик ва шунга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот ҳақида ўз фикримизни билдирдик. Олинган бирламчи ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги юзасидан текширилмаган ёки баҳслашилмаган. Текширувдан сўнг олинган ёки қандайдир сабабларга кўра бизга тақдим этилмаган ҳужжатлар жавобгарлик нуқтаи назаридан назорат доирасидан ташқарида қолди.

Бу вазифани амалга ошириш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик соҳасидаги ҳаракатларини тартибга солувчи, кўриб чиқиладиган давр билан боғлиқ Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлари (БҲМС) ва хизматлар кўрсатиш вақтидаги барча амалдаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ва меъёрий ҳужжатлари қўлланилди.

Хулоса ва натижалар бухгалтерия ҳисоби регистрларини, бирламчи ҳужжатлар ва ҳисобланган маълумотларни танлов асосида таҳлил қилишга асосланган бўлиб, ахборот ва маслаҳат характерида эга.

Текширишлар, сўровлар ва тасдиқлар, алоҳида бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва аналитик ҳисоботларни таҳлил қилиш ва таққослаш орқали ҳисобот тўғрисида фикр шакллантиришга зарур асос яратиш учун етарли далилларга эга бўлди.

Аудиторнинг вазифаси Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ бажарилган аудит текшируви юзасидан ушбу ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдиришни ўз ичига олади.

4. Аудиторлик текшируви методологияси

2021 йил учун «Қўқон механика заводи» АЖ нинг молиявий ҳисоботларини аудит текшируви бўйича аудиторлик ҳисоботи «Қўқон механика заводи» АЖ нинг эгаси учун мўлжалланган бўлиб, аудиторлик хулосасини тузиш учун асос бўлган аудит текшируви натижасида олинган маълумотларни ўз ичига олади.

Аудитнинг мақсади - 2022 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган давр учун молиявий ва бошқа тегишли ҳисоботлар тўғрисида ўз фикримизни билдиришдир.

Тақдим этилган молиявий ва бошқа тегишли ҳисоботлар бўйича аудиторнинг фикри аудит натижалари бўйича №700 -сонли АХСга мувофиқ ёзма аудиторлик ҳисоботи шаклида тузилади. Аудитор фақат «Қўқон механика заводи» АЖ раҳбарияти томонидан тақдим этилган молиявий ва бошқа ҳисоботлар бўйича ўз фикрини билдириш учун жавобгардир; «Қўқон механика заводи» АЖнинг раҳбарияти тақдим этилган ҳисоботлар ва уларнинг мазмуни учун жавобгардир.

Аудиторлик ҳисоботи хўжалик юритувчи субъектлар ва аудиторлик ҳисоботининг манфаатдор фойдаланувчилари томонидан бухгалтерия ҳисоботига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар йўқлиги «Қўқон механика заводи» АЖ нинг қафолати сифатида талқин қилиниши мумкин эмас ва талқин қилинмаслиги керак.

Аудит Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" ги қонунига, "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги қонунга, бухгалтерия

ҳисобнинг миллий стандартларига, аудитнинг миллий стандартларига ва аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари мувофиқ ўтказилди. Бу стандартлар молиявий ҳисоботда жиддий хатоликлар йўқлиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудитни режалаштириш ва ўтказишни талаб қилади.

Аудит жараёни ички назорат тизимларининг аудит процедуралари ва тестлари давомида олинган аудиторлик далилларини йиғишни ўз ичига олади. «Қўқон механика заводи» АЖ раҳбарияти томонидан аудиторга тақдим этилган молиявий ва бошқа тегишли ҳисоботлар танлов асосида синовдан ўтказилади, аудитор эса МЧЖ "ТТТ-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ аниқланган аудиторлик rischi доирасида жавоб беради. "Аудитни режалаштириш ва ўтказишда моддий аҳамиятлилиқ" АХС № 320 стандарти моддий аҳамиятлилиқнинг максимал рухсат этилган даражасини белгиламаганлиги туфайли аудитор бундай даражани мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Молиявий ва бошқа тегишли ҳисоботларда келтирилган маълумотларнинг режадаги ўртача аҳамиятлилиқ даражаси 5%, аудиторлик rischi даражаси эса 5% деб қабул қилинади.

Ушбу қиймат молиявий ҳисоботларнинг максимал рухсат этилган оғиш даражасини акс эттиради.

Аудит давомида «Қўқон механика заводи» АЖнинг молиявий ва бошқа тегишли ҳисоботларида келтирилган маълумотларнинг муҳимлилиқ даражаси "Молиявий ҳисобот учун муҳимлилиқ даражасини ҳисоблаш" бўлимида қуйида келтирилган кўрсаткичлар гуруҳига қараб аниқлаштирилади ва махсус жадвал бўйича аниқланади.

Шу билан бирга аудитор аудитни шундай режалаштирадики ва ўтказадик, у аудитор фикрини ифодалаш учун оқилона асос яратади.

Аудит натижалари тақдим этилган молиявий ҳисобот ва бирламчи ҳужжатларни кўриб чиқишга, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун тафовутларнинг аҳамиятлилигини аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва тестларини таҳлил қилиш ва таққослаш тартибларига асосланади.

Аудит шунингдек, Жамият раҳбарияти томонидан қўлланиладиган бухгалтерия принципларини ва муҳим баҳолашларни, шунингдек, молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади

АХС №-700 "Фикр шакллантириш ва молиявий ҳисоботлар ҳақида хулоса тузиш" га мувофиқ ушбу ҳисоботда қуйидагилар ёритилади:

- ички назорат ҳолатини текшириш натижалари;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолатини текшириш натижалари;
- молия - хўжалиқ фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш натижалари;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;
- активлар сақланганлигини текшириш натижалари.

Жамият фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш асосида ва мавжуд бошқарув ва бухгалтерия процедураларини ҳисобга олган ҳолда, аудит дастури ишлаб чиқилди.

Кўриб чиқилиши керак бўлган ҳужжатлар ҳажми катта бўлганлиги сабабли, бухгалтерия ҳужжатларининг алоҳида бўлимлари учун аудит пайтида бирлашган танлов ишлатилган. Хулосаларни асослаш учун аудит бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги ва етарлилигини, ички назорат ҳолатини текшириш учун бир қатор тест ва процедуралардан фойдаланган. Айрим масалалар бўйича аудитор фикри намунавий маълумотлар асосида тузилади. Аудит ходимлар билан суҳбат орқали, танланган ва доимий равишда ҳужжатли текширишнинг энг муҳим элементлари учун «Қўқон механика заводи» АЖ раҳбарияти томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилди.

Амалга оширилган аудит процедуралари натижаларига кўра, аудит «Қўқон механика заводи» АЖ молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги тўғрисида мустақил фикрни шакллантириш учун етарли маълумотларни олди.

Ушбу аудит ҳисоботидаги маълумотлар махфий бўлиб, аудиторлик ташкилоти томонидан ошкор этилмаслиги керак.

I. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ.

1.БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМЛАРИ ҲОЛАТИ АУДИТИ

Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва ўтказишда биз «Қўқон механика заводи» АЖнинг ички назорат тизимининг (ИНТ) ҳолатини кўриб чиқдик. «Қўқон механика заводи» АЖ раҳбарияти ИНТни ташкил этиш ва унинг ҳолати учун жавобгардир.

Биз бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ишончилиги тўғрисида фақатгина аудиторлик ҳулосасини шакллантириш учун зарур бўлган иш ҳажмини ва Аудиторлик рискларни аниқлаш учун ИНТ ҳолатини кўриб чиқдик. Аудит жараёнида олиб борилган ишлар, барча мумкин бўлган камчиликларни аниқлаш мақсадида ИНТни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни англамайди.

Ички назорат тизимининг аудити "Ташкилот ва унинг атроф -муҳитини ўрганиш орқали жиддий нотўғри маълумотларнинг хавфини аниқлаш ва баҳолаш" №315 -сонли АХСга асосан "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Қонун, №21 -сон БҲМС "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий -хўжалик фаолияти ҳисоблари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома", "Хужжатлар ва бухгалтерия ҳисобидаги иш оқими тўғрисидаги низом" ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган амалдаги нормалар талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилди.

Ички назорат тизимининг самарадорлиги унинг асосий мақсадлари ҳисобланувчи маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигининг мақбул даражасини таъминлаш, активларнинг сақланиши ва маблағлардан мақсадли фойдаланишга эришиш нуқтаи назаридан баҳоланди.

Ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун аудиторлар қуйидагиларни ўз ичига олган назорат муҳитини таҳлил қилишди ва баҳолашди:

- бошқарув услуги ва асосий тамойиллари;
- «Қўқон механика заводи» АЖнинг ташкилий тузилмаси;
- масъулият ва ваколатларни тақсимлаш;
- амалга оширилаётган кадрлар сиёсати;
- ички бошқарув ҳисобини амалга ошириш тартиби, ички ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни, ички ҳисоботни тайёрлаш асослари;
- ички меъёрий ҳужжатлар, унинг Ўзбекистон Республикасининг меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқлиги, «Қўқон механика заводи» АЖ ички қоидалари ва қоидаларига умуман ва масъул шахслар томонидан риоя этилиши;
- нарх сиёсати.

Ички назорат тизимининг етарлилиги ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида аудиторлар «Қўқон механика заводи» АЖда мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизимини ташқи фойдаланувчилар учун ҳисобот тайёрлаш учун асос сифатида таҳлил қилиб, баҳоладилар.

Аудиторлар маъмуриятнинг тадбиркорлик хатарларини, шу жумладан, активларнинг хавфсизлиги ва тўланмаслик хавфини минималлаштиришга қаратилган ҳаракатларини таҳлил қилди ва баҳолади.

Ички назорат тизимининг самарадорлигини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинган:

- ахборотни шакллантириш билан шуғулланадиган ишчилар доираси ва улар ўртасида иш юритиш ва ахборотни шакллантиришда тартибли муносабатларнинг мавжудлиги;
- ресурсларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қиладиган турли даражадаги менежерларнинг жавобгарлик чегараси мавжудлиги;
- ҳужжат айланишини тартибга солувчи ички маъмурий ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- Техник назорат воситаларининг мавжудлиги,
- компьютер операциялари устидан назоратнинг самарадорлиги.

Жамиятда фаолият кўрсатаётган ички назорат тизими асосан юқорида санаб ўтилган барча асосий назорат объектларини назарда тутди. Аудиторнинг фикрига кўра, 1С маълумотлар базасига фақат аниқ маълумотларга кириш ҳуқуқига эга бўлган махсус ижрочиларга киришни чеклаш керак, масалан, моддий қийматликларни ҳисобини юритувчи бухгалтер фақатгина товар ва материалларни ҳисобга олиш тизимидаги қира олиши керак.

Жамият Раҳбарияти:

Директор- Юлдашев Шарипджон;

Бош ҳисобчи- Турсунбоев Курвонали Юсупалиевич (2021йил 1 ноябрдан)

Бухгалтерия ҳисоби хизматининг мавжудлиги. Бухгалтерия ҳисоби учун асосий жавобгарлик бош бухгалтер бошчилигида бухгалтерия бўлимига юклатилади.

Бухгалтерия бўлими иши компьютерлар "1С: Предприятие" ихтисослаштирилган бухгалтерия дастури ёрдамида ташкил этилган.

Ҳисоб сиёсати. Жамият 2022 учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқилган.

Жамият асосий воситаларнинг тўғри чизиқли амортизация усулидан фойдаланади.

"Бухгалтерия тўғрисида" ги Қонуннинг 6-моддаси билан ва БҲМС № 1да белгиланган бухгалтерия тамойилларига риоя қилиш тақдирини шуни кўрсатдики, икки ёқлама ёзув усули, узлуксизлиги, пул баҳолаш, ишончлилиги, эҳтиёткорлик, шакли устидан мазмун устунлиги, таққослаш, бетарафлик, активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш, ҳисобот даври даромад ва харажатлар мувофиқлиги, аниқлик, моддий, ишончли ва ҳолис тақдимот, тўлиқлиги, мустақамлик, ўз вақтидалиги, оффсетнинг (моддаларнинг ўзаро ҳисоби) ва объективлиги ҳисоб сиёсатида акс эттирилган ва унга Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоб бўлими томонидан риоя этилади.

Ҳисоб сиёсатида ишлаб чиқилган ички назорат тизими тегишли буйруқ ва фармойишлар билан меҳнат таътили, ТМЗлар ва пул маблағларини олиш учун имзолашга ҳақли бўлган шахслар доирасини аниқлаган ҳолда белгиланиши лозим. Барча моддий жавобгар шахслар билан тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар тузилган.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини ташкил этишнинг қисқача мазмуни.

Ҳар чоракда бухгалтерия бўлими солиқлар ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизматида тақдим этади ва йил натижаларига кўра ҳисоб-китоб ва тушунтиришлар билан молиявий ҳисоботларни ишлаб чиқади.

Ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот бухгалтерия бўлими томонидан тайёрланади. Ташқи фойдаланувчилар учун ҳисоботларни тайёрлаш бўйича бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилган. «Қўқон механика заводи» АЖ нинг молиявий ҳисоботлари тижорат фаолияти бўйича тўлиқ баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклида тузилади. Инвентаризация, узоқ муддатли активлар, меҳнат ва иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан ажратмалар, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби «Қўқон механика заводи» АЖ нинг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади. Активларнинг ички ҳаракатини ҳисобга олиш бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. «Қўқон механика заводи» АЖнинг бухгалтерия бўлими даромад ва харажатларнинг товар ва материалларни тасарруф этиш, харажатларни ҳисобга олиш, даромадларни ҳисобга олиш ва бошқа операциялар даромадлар тўғрисидаги ёзувларини мустақил амалга оширилади. Асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олиш, маблағларни ҳисобга олиш, молиявий инвестициялар, ходимлар тўловлари билан боғлиқ бўлмаган солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш, сафар харажатлари учун берилган аванслар бўйича ҳисоб-китоблар, дебитор-кредиторлар билан ҳисоб-китоблар (шу жумладан, етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар) ҳам «Қўқон механика заводи» АЖ бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасига мувофиқлигини текшириш шуни кўрсатдики,

Директор имзоси

Аудитор

9 из 37

Жамиятнинг бухгалтерия бўлими БҲМС № 21 га асосан счётлар режасидан фойдаланади, бу Жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия операциялари - асосан республикада ташкил этилган счётлар режасидан фойдаланиш талаблари ва тавсияларига мувофиқ амалга оширилади.

Жамият бухгалтерия бўлими томонидан қабул қилинган бирламчи ҳужжатлар асосан ўз вақтида қайта ишланади ва белгиланган шаклдаги журнал-ордерларда кейинчалик умумлаштирилган ҳолда йиғма ҳисоб регистрларига киритилади. Асосий воситалар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллар, маиший инвентарлар ва аксессуарлар, таъминотчилар, харидорлар, Жамият ходимлари билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олиш бўйича аналитик ҳисоб объектлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ташкил этиган, ТМЗлар учун ҳам миқдорий ҳисоб ташкил этилган.

Ишга қабул қилиш тизими. «Қўқон механика заводи» АЖ раҳбарияти ва бошқа ходимлари билан меҳнат шартномалари тузилади.

Жамият томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текширганда, аудитор молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига таъсир қилиши ёки мулкдорнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузиши мумкин бўлган нормалар ва қоидаларни кўриб чиқади. Аниқланган қонунбузарликлар жиддийлик ва келажақда юзага келиши мумкин бўлган хавфлар нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ходимлар билан ҳисоб-китобларни тартибга солувчи меҳнат қонунчилиги ва қонун ҳужжатларига риоя этилиши аудити.

Кадрлар ҳисобини юритиш тартибини текшириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси (21.12.1995 йилдаги ЎзР Қонуни билан тасдиқланган), "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида" йўриқномасига (Адлия вазирлигида 29.01.1998 йилдаги 402 -сон билан рўйхатдан ўтказилган), 2010 йилдаги ўзгартиришлари билан, "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида" ги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.1999 й., 54 -сонли қарорига илова) ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан ўтказилди.

Ихтисослаштирилган бухгалтерия дастурининг аудити №401 -сонли АХС "Компютер ахборот тармоқлари муҳитида аудит" га мувофиқ амалга оширилди. Жамият молиявий ва ҳўжалик операциялари ва иш ҳақи ҳисобини бухгалтерия 1С га ихтисослаштирилган дастурида юритади.

Бухгалтерия ҳисоби - бухгалтерия ҳисобининг барча бўлимлари учун иловаларга мувофиқ ташкил этилган. Ҳисобот стандарт етказиб бериш шаклига киритилган бухгалтерия моддаларининг журналлари, улар маълум вақт давомида ҳисобварақлар ҳақида маълумот тўплайди ва Жамиятда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ барча операцияларни ушбу ҳисобварақлар билан мос равишда акс эттиради.

Бухгалтерия бўлимининг барча ходимлари ягона КМҚИ муҳитида (компютер маълумотларини қайта ишлаш) ишлайди, ягона дастурий таъминотдан фойдаланади. Жамият ходимлари тизимига кириш пароллар билан чекланади, дастурда ишлашга бўлган алоҳида ҳуқуқлар (ахборотни киритиш ва чиқариш) уларнинг расмий хизмат вазифаларига мувофиқ белгиланади.

3.СОФ АКТИВЛАР

"Қўқон механика заводи" АЖ фаолиятининг мақсади фойда олиш ва уни таъсисчига дивидендлар шаклида тақсимлашдир, шунинг учун Жамият дивидендларни ҳисоблаш қобилятига эга ёки йўқлигини аниқлаши керак.

Жамият соф активлари суммасини текшириш, минг сўмда

№	Кўрсаткич	Формула	01.01.2022й. ҳолатига	31.12.2022й. ҳолатига
1	Соф Активлар	активлар—мажбуриятлар	32 227 750	29 924 653

2	УК ва резерв фонди суммаси	УК + РФ	27 408 472	27 386 496
3	Фарк		4 819 278	2 538 157
4	Ҳисобот даври фойдаси		2 960 214	510 046
5	УК (Устав Капитали)		20 128 068	20 128 068

"Қўқон механика заводи" АЖ учун йил бошида соф активлар (активлар минус мажбуриятлар) устав капитали ва захира фонди миқдоридан кўп бўлган, аммо йил охирида бу кўрсаткич салбий бўлган.

4. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ДАСТЛАБКИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

«Қўқон механика заводи» АЖнинг қуйидаги молиявий ҳисоботлари аудиторга фикр билдириш учун тақдим этилди:

31.12.2022 йил ҳолатига бухгалтерия баланси;

2022 йил учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;

бюджетга солиқлар ва йиғимлар ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ажратмалар ҳисоб-китоблари.

Молиявий ва солиқ ҳисоботларини тайёрлашнинг тўғрилигини таҳлил қилиш қуйидагиларни кўрсатди:

- Молиявий ҳисобот Молия вазирининг 27.12.2002 йилдаги 140-сонли "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш ва қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28.01.2003 йилдаги №1209-сонли буйруғи билан рўйхатга олинган) ва "Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари" (Молия вазирининг 27.12.2002 йилдаги №140-сонли буйруғига №7-илова) қарори, БҲМС 1, 3, 14, 15 ва бошқа норматив ҳужжатларга асосан тайёрланган.

- Солиқ ҳисоботи шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 04.03.2013 й. №23-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013-8-сон "Солиқ ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида" ги қарорларига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 22.03.2013 йилда рўйхатга олинган №2439) мувофиқ тузилган.

Қуйида «Қўқон механика заводи» АЖ молиявий ҳисобот маълумотларининг назорат коэффицентлари бўйича таҳлили (турли хил ҳисобот шаклларидаги маълумотлар ўзаро боғлиқ) уларнинг мувофиқлигини текшириш учун келтирилган. Бу ерда молиявий ҳисоботларда ишлатилган ҳисобварақлар қолдиғи ва улар бўйича айланмаларнинг тўғрилиги ҳисобга олинмайди.

01.01.2021й. ҳолатига ҳисобот маълумотлари бир-бирига боғланган.

	Кўрсаткич	Манба	Сумма	Манба	Сумма	Фарк
1.	АВ қолдиқ қиймати	ф.1 сатр.012 гр.3	13 348 572	ф.1 сатр.010-011	13 348 572	-
2.	Номоддий активлар қолдиқ қиймати	ф.1 сатр.022 гр.3	-	ф.1 сатр.020-021	-	-
3.	Жами активлар	ф.1 сатр.400 гр.3	90 529 913	ф.1 сатр.130+390	90 529 913	-
4.	Жами пасивлар	ф.1 сатр.780 гр.3	90 529 913	ф.1 сатр.480+770	90 529 913	-
5.	Актив=Пассив	ф.1 сатр.400 гр.3	90 529 913	ф.1 сатр.780	90 529 913	-

31.12.2021й. ҳолатига ҳисобот маълумотлари бир-бирига боғланган.

	Кўрсаткич	Манба	Сумма	Манба	Сумма	Фарк
6.	АВ қолдиқ қиймати	ф.1 сатр.012 гр.4	12 317 376	ф.1 сатр.010-011	12 317 376	-
7.	Номоддий активлар қолдиқ қиймати	ф.1 сатр.022 гр.4	-	ф.1 сатр.020-021	-	-
8.	Жами активлар	ф.1 сатр.400 гр.4	89 023 227	ф.1 сатр.130+390	89 023 227	-
9.	Таксимланмаган фойда	ф.1 сатр.450 гр.4	2 538 157	ф.1 сатр.450 гр.3 + ф.2 сатр.270гр.5- дивидендларва ажратмалар	2 538 157	-
10.	Жами пасивлар	ф.1 сатр.780 гр.4	89 023 227	ф.1 сатр.480+770	89 023 227	-

Ботиров. И. Х.

	Кўрсаткич	Манба	Сумма	Манба	Сумма	Фарқ
11.	Актив=Пассив	ф.1 сатр.400 гр.4	89 023 227	ф.1 сатр.780	89 023 227	-

Молиявий ҳисобот маълумотлари таҳлили натижалари ҳисоботларнинг барча назорат сатрлари миқдорлар бўйича бир-бирига мос келишини кўрсатди.

Аудитор шарҳи №2:бухгалтерия ҳисоби ва балансда акс эттирилган асосий воситалар ва йил бошидаги жамғарилган эскириш суммаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари қолдиги бир-биридан фарқ қилади (31.12.2022 йил ҳолатига, минг сўмда):

Ҳисобга олиш счётлари	Бухгалтерия баланси	Бухгалтерия ҳисоби	Оғиш
Асосий Воситалар	45 465 438	45 465 438	0
Жамланган амортизация	33 148 062	33 148 062	0
Номоддий активлар	0	0	0
Номоддий активлар Амортизацияси	0	0	0

Аудитор шарҳи №2:бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ҳисобот маълумотларига мос келтириш.

Хулоса:молиявий ва солиқ ҳисоботларини тўлдиришнинг тўғрилиги қониқарли, аммо маълум четланишлар мавжуд.

5. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА АМОРТИЗАЦИЯНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АУДИТИ

Асосий воситаларни ҳисобга олишда уларни актив сифатида тан олинган пайтини белгилаш, мазкур активларга нисбатан қўлланиладиган уларнинг баланс қийматини ва амортизацияни ҳисоблаш усулларини белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни ва уларнинг чиқиб кетиши ҳисобига молиявий натижаларни белгилаш ва ҳисобга олиш асосий қоидалар ҳисобланади.

асосий воситалар - Жамият томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар;

амортизация- фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси;

Асосий воситалар ва амортизацияни ҳисобга олиш аудити 5-сонли БҲМС "Асосий воситалар", Солиқ кодекси, "1 январ ҳолатига асосий воситаларни йиллик қайта баҳолаш тартиби тўғрисида Низом", "Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом" ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилди.

Баланс ҳисобварақлари бўйича асосий воситалар таркибининг расшифровкаси (минг сўм)

Счёт	Номланиши	01.01.2022й. ҳолатига (минг сўм)	Дт	Кт	31.12.2022 й. ҳолатига (минг сўм)
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар	10 543 701			10 543 701
0130	Машина ва жихозлар	31 616 279		6 890	31 609 388
0140	Мебел ва офис жихозлари	28 878			28 878
0150	Компьютер жихозлари	194 140			194 140
0160	Транспорт воситалари	2 791 965			2 791 965
0190	Бошқа асосий воситалар	297 362			297 362
	Жами Асосий Воситалар	45 472 328		6 980	45 465 438

Ҳисобот даврида йил давомида асосий воситаларнинг эскириш даражаси 72,9% бўлиб ўзгариш бўлмади.

Амортизация ҳисобланиши. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда Жамият тўғри чизикли амортизация усулидан фойдаланади.

Асосий воситалар инвентаризацияси

Жамият 10.01.2023 йил кунги № 5 сонли буйруқга асосан инвентаризация ўтказилган. 31.12.2022 йил якуни бўйича инвентаризация ўтказилмаган.

6. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ АУДИТИ

Номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ операциялар ҳуқуқ эгаси ва фойдаланувчи ўртасида тузилган, Жамиятга номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган (масалан, ҳуқуқ эгаси томонидан Жамиятга товар белгисидан муайян муддат мобайнида, маълум ҳудудда фойдаланиш ҳуқуқи, маҳсулотлар ишлаб чиқариш автоматлаштирилган бошқарувининг технологик дастуридан фойдаланиш ҳуқуқи, саноат намуналаридан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларнинг берилиши) лицензия шартномалари (мутлақ, номутлақ, очиқ лицензия), муаллифлик шартномалари (фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш мутлақ, номутлақ ҳуқуқини бериш тўғрисидаги), тижорат концессия шартномалари ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ тузилган бошқа шунга ўхшаш шартномалар асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Номоддий активлар - Жамият томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2022 йил 01 январь ҳолатига ҳамда 2022 йил охирига номоддий активлар мавжуд эмас.

7. УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИ

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу миллий стандарти (БХМС) "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг бир қисми ҳисобланади.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш усулини белгилаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида инвестицияларга доир ахборотни очиб кўрсатиш ушбу стандартнинг мақсадидир.

Молиявий инвестициялар - ҳўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган сармоя қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи Жамият бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар.

Қисқа муддатли (жорий) инвестициялар - муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган осон реализация қилинадиган инвестициялар.

Узоқ муддатли инвестициялар - қисқа муддатли (жорий) инвестициядан ташқари барча инвестициялар.

Кўчмас мулкка инвестиция - инвестиция қилувчи субъектнинг ёки инвестиция қилувчи субъект гуруҳига қирувчи бошқа субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти давомида фойдаланилмайдиган ер участкаларига ёки иморатларга инвестициялар.

Жорий қиймат - бир-бирига қарам бўлмаган хабардор, сотиб олишни хоҳлаган харидор билан хабардор, сотишни хоҳлаётган сотувчи ўртасида актив алмаштириладиган миқдор.

Бозор қиймати - активлар бозорида аниқланадиган инвестициялар миқдори.

Бозор - бозор қиймати (ёки бозор қийматини аниқлашга имкон берадиган бошқа бирор кўрсаткич) аниқланадиган активлар бозори мавжудлигини билдиради.

Жамиятда 2022 якунига **0610-0630** ва **0640** счетларида жами 741 248,4 минг сўмлик қимматли қоғозлари мавжуд:

(Минг сўм)			
Сч №	Номланиши	01.01.2022 га қолдиқ	31.12.2022 га қолдиқ
0610	“Узсаноатқурилиш банк” Қўқон филиали, қимматли қоғозлар	2 003,5	2 003,5
0620	ООО “INPROMKOMPOZIT”	492 031,9	495 209,9
0640	“Каканд-Элкам Насос” МЧЖ	244 035,0	244 035,0
	Жами	738 070,5	741 248,4

Изоҳ: Йил боши ҳамда охиридаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бухгалтерия баланси маълумотларига мос келади.

ЎРНАТИЛАДИГАН УСКУНАЛАР АУДИТИ

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2022 йил 1 январь ҳолатига ва йил якунига **0700** ўрнатиладиган ускуналар мавжуд эмас.

8. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АУДИТИ

Капитал қўйилмаларнинг бухгалтерия ҳисобини текшириш 5-сонли БҲМС "Асосий воситалар", 17-сонли БҲМС "Пудрат ва капитал қурилиш шартномалари", Солиқ кодекси, "1 январь ҳолатига асосий воситаларни йиллик қайта баҳолаш тартиби тўғрисида Низом" ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилди.

Ҳисобот йили давомида ушбу ҳисобварақлар гуруҳи бўйича айланмалар активларни сотиб олиш ва уларни асосий воситалар гуруҳига ўтказиш билан боғлиқ эди. Жамият томонидан сотиб олинган асосий воситаларнинг миқдорий таркиби ва номи ушбу ҳисоботнинг "Асосий воситалар" бўлимида ёритилди.

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2022 йил 01 январь ҳолатига қолдиқ мавжуд эмас йил якунига капитал қўйилмалар счет бўйича қолдиқ 40 923 минг сўм мавжуд:

9. УЗОҚ МУДДАТЛИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР АУДИТИ

Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (0900)

Қуйидаги ҳисоб-китобларнинг узоқ муддатли қисми:

- а) харидорлар ва буюртмачилар билан олинган векселлар бўйича;*
- б) ижарачилар билан уларнинг молиявий ижара шартномаси асосида олган асосий воситалари бўйича;*
- в) мол етказиб берувчилар билан - уларга товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни етказиб бериш учун берилган бўнақлар бўйича;*
- г) харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинадиган счётлар бўйича;*
- д) ажратилган бўлинмалар билан товарлар, тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинадиган счётлар бўйича;*
- е) харидорлар ва буюртмачилар билан кредитга сотилган товарлар бўйича;*
- ж) Жамиятлар ва ташилотлар билан берилган қарзлар бўйича;*

з) моддий-жавобгар шахслар ва Жамиятнинг ходимлари билан моддий зарарни қоплаш бўйича;

и) бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан Жамиятга юқорида келтирилмаган турли қарзлар бўйича;

к) вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича;

л) облигациялар дисконтлари бўйича кечиктирилган харажатлар;

м) бошқа кечиктирилган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0910 "Олинган векселлар";

0920 "Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар";

0930 "Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари";

0940 "Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар";

0950 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи";

0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар";

0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар".

БХМС да қуйидагилар кузда тутилган.

0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счётида 0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" ва 0950 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётларида кўрсатилмаган бошқа кечиктирилган харажатлар акс эттирилади. Ушбу харажатларни ишлаб чиқариш, давр харажатлари, молиявий фаолият харажатларига ҳисобдан чиқариладиган муддати қонунчилик асосида тиртибга солинади. Бунда бошқа кечиктирилган харажатларнинг узоқ муддатли қисми 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счётининг дебетида, жорий қисми эса 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счётининг дебетида акс эттирилади.

0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир берилган бўлак бўйича мол етказиб берувчи ёки пудратчи бўйича юритилади.

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 0990 счётда 2022 йил 01 январь ҳолатига ҳамда йил якуни билан узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар мавжуд эмас.

10. ТМЗ ЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АУДИТИ

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишни текшириш 4-сонли БХМС "Товар-моддий захиралар", "Товар-моддий захираларни қабул қилиш ва уларни ишончнома бўйича чиқариш учун ишончномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом" ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилди.

Жамиятга тегишли бўлган хом-ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идишбоб материаллар, инвентарлар, хўжалик жиҳозлари ва ш.к. қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

1010 "Хом-ашё ва материаллар";

1020 "Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар";

1030 "Ёқилғилар";

1040 "Эҳтиёт қисмлар";

1050 "Қурилиш материаллари";

1060 "Идиш ва идишбоб материаллар";

1070 "Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар";

1080 "Инвентар ва хўжалик жиҳозлари";

1090 "Бошқа материаллар".

Материаллар ҳисобда иккита баҳонинг энг пасти бўйича материалларни ҳисобга олувчи счётларда - ҳақиқий таннархи (сотиб олиш баҳоси ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси (сотишнинг соф қиймати) бўйича ҳисобга олинади.

Зарур ҳолларда (ишлатиладиган материалларнинг номенклатураси катта бўлганда, Жамият ичида материалларнинг ҳаракати интенсив бўлганда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида ва бошқаларда) материаллар ҳисоби ҳисоб баҳоси бўйича юритилиши мумкин. Ҳисоб баҳоси сифатида режа таннари, ўртача сотиб олиш нархлари, улгуржи ва бошқалар қабул қилинади. Материалларни ҳисоб баҳоси бўйича ҳисобга олишда, ҳар ой, ҳақиқий таннари кўрсатилган баҳосининг қийматидан фаркланиш суммаси ва фоизлари ҳисоблаб чиқилади. Фарқлар 1610 "Материаллар қийматидаги фарқлар" счётида ҳисобга олинади.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботида товар-моддий захиралар счётларидаги қолдиқ балансининг 150 «Товар-моддий захиралар», 160 «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» сатрларида акс эттирилади.

Инвентаризация буюмлари, пул ҳужжатлари учун моддий жавобгарлик аванс ва моддий ҳисоботларни тузадиган ҳар бир ҳисобдор шахсга юклатилган.

Моддий жавобгар шахслар билан индивидуал молиявий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган.

Моддий бойликларни қабул қилиш "Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар" Умумий Сводный ведомостьда ҳисобга олинади.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш 4-сонли БХМС талабларига жавоб беради, материаллардан фойдаланиш мақсадга қараб амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва балансбўйича ТМЗ ҳисобварақлари қолдиқларини солиштириш, (минг сўм)

Счетлар	01.01.2022й. ҳолатига	Дт	Кт	31.12.2022й. ҳолатига
1010	418 0236,2	14 780 868,2	15 436 072,5	3 525 031,9
1030	12 778,1	237 319,6	236 400,0	13 697,6
1040		3 485,0	3 485,0	
1041	2 538,4		2 538,4	
1042		126 118,4	32 367,9	93 750,4
1050	1 857,9		1 857,8	
1080	306 133,9	168 674,4	213 063,8	261 744,4
1090	4 733 390,1	4 967 536,7	7 052 316,9	2 648 610,1
Жами материаллар	9 236 934,8	20 284 002,3	22 978 102,6	6 542 834,5
№1 шакл 150 сатр	9 236 934,8			6 542 834,5

Изоҳ:Йил охиридаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига мос келади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиёти

Товарлар, ишлар ва хизматлар келиб тушганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ҳар ой бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобот даврида папкага йиғиб борилади. Жамият томонидан товар-моддий бойликларни ҳар бир қабул қилинишида ўз қирим ордери (КО) тузилади.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш 1С бухгалтерия дастурида амалга оширилади. Маълумотни киритиш ва тўлдиришда компьютер дастури томонидан тайинланган кодлар қўлланилади. Моддий бухгалтер томонидан қирим қилинишда, ички ҳаракатда ва товар-моддий захираларни балансдан ҳисобдан чиқаришда бухгалтерия ҳисобида қуйидагилар деярли кўрсатилмаган:

- товарнинг маркаси, модели, спецификацияси;
- товарни ишлаб чиқарувчи фирма ёки мамлакат;
- товарнинг қўлланилиш мақсади.

Омборхона ҳисобини юритиш

Ҳар ойда материал ҳисоботлар шакллантириб борилади.

11. МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ХАРИД ҚИЛИШ

ҲИСОБИ АУДИТИ

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 1500 счётида 2022 йил 31 декабр ҳолатига қолдиқ мавжуд эмас.

12. Асосий ишлаб чиқаришни

ҳисобга олувчи счётлар (2000)

Жамиятнинг асосий фаолият тури ҳисобланган маҳсулот (иш, хизмат)лар, асосий ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётида амалга оширилади.

Олдиндан (ижара, абонент тўлови ва ҳ.к.) ёки кейинги даврлардаги (ҳисобдор суммасининг ортиқча харажатлари учун тўловлар ва бошқалар) - Жамият харажатлари маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига уларнинг тўланган муддатидан қатъи назар - қайси даврга тааллуқли бўлса ўша ҳисобот даврида киритилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига ишлаб чиқариш захиралари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2510 "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" счётидан ҳисобдан чиқарилади.

Яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2610 "Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар" счётидан ҳисобдан чиқарилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг кредитида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажаришнинг ҳақиқий таннарх суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётидан 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар", 9110 "Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи", 9130 "Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи" счётларининг дебетида ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини кўрсатади.

Аналитик ҳисоб харажатларнинг турлари ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича юритилади. Харажатларнинг юзага келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши шунингдек, калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида амалга оширилади. Ушбу счётларнинг таркиби ва фойдаланиш услубиятини ҳар бир Жамият ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти, тузилиши, бошқаришни ташкил этиш хусусиятларига қараб белгилайди. Агар харажатларнинг вужудга келиш жойи ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши ҳамда калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида ҳисобга олинмаса, 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг аналитик ҳисоби ҳам Жамиятнинг алоҳида бўлинмалари бўйича юритилади.

13. Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300)

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқаришига ёки асосий фаолиятига ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ҳисобланган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётида амалга оширилади.

Ушбу счёт қуйидагиларни таъминлайдиган, иш-лаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун қўлланилади:

а) энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буғ ва бошқалар) билан хизмат кўрсатиш;

б) транспорт хизматини кўрсатиш;

в) асосий воситаларни таъмирлаш;

г) асбоблар, тўртбурчак муҳрлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларини тайёрлаш ёки қурилиш материалларини бойитиш (асосан қурилиш Жамиятларида);

д) тош, шағал, кум ва бошқа руда бўлмаган материалларни қазиб олиш;

е) ёғоч материалларини тайёрлаш ва тахта қилиш;

ж) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тузлаш, қуритиш ва консерва қилиш (асосан, савдо Жамиятларида).

Бундан ташқари ушбу счётларда Жамият балансида турувчи илмий текшириш ва тажриба конструкторлик бўлинмаларининг харажатлари акс эттирилиши мумкин.

2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётининг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ тўғри харажатлар 2310 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига, ишлаб чиқариш захиралари, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар, асосий воситаларга эскириш ва номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётига 2510 "Умумишлаб чиқариш харажатлари" счётидан ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар айрим ҳолларда бевосита 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётида ҳисобга олиниши мумкин.

Яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётига 2610 "Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар" счётидан ҳисобдан чиқарилади.

2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётининг кредитида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳақиқий таннархининг суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётининг кредитидан 2010 "Асосий ишлаб чиқариш", 2510 "Умумишлаб чиқариш харажатлари", 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар", 9130 "Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннари", 9420 "Маъмурий харажатлар" счётларига ва бошқа счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счёти бўйича аналитик ҳисоб харажат элементлари ва моддалари бўйича ва маҳсулот турлари бўйича юритилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннарини кўрсатади.

2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2300 счетида 2022 йил 01 январ ҳолатига колик мавжуд эмас ва йил якунига ҳам қолдиқ мавжуд эмас.

14. ҲИСОБДОР ШАХСЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

АУДИТИ

Жамиятда моддий жавобгар шахслар фаолияти кўрилганда, барча моддий жавобгар шахслар билан «Моддий жавобгарлик тўғрисида» ги шартномаларнинг тузилганлиги аниқланди. Белгиланган тартибда ва ҳар ойда улар томонидан жамият бухгалтериясига ойлик ҳисоботлар тақдим этиб келинган.

Текширишда моддий жавобгар шахслар томонидан ҳар ойда материал ҳисоботи, яъни ой бошига бўлган қолдиқ, ой давомидаги киримлар ва чиқимлар ой охирига бўлган қолдиқ кўрсатиб борилган. Бундан ташқари, марказий омбор томонидан чиқарилган товар моддий бойликлар учун расмийлаштирилган ҳисоб фактураларида олган шахсларнинг имзолари айрим ҳолларда йўқлиги аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф қилиниши бош ҳисобчига тавсия қилинди.

15. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР АУДИТИ

Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар (2800)

Тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади.

2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар";

2820 "Кўрғазмадаги тайёр маҳсулотлар";

2830 "Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар".

Четга кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг қиймати тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётларда (2800) акс эттирилмайди. Улар бўйича ҳақиқий харажатлар, харажатларни ҳисобга олувчи счётлардан 9130 "Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннари" счётига ҳисобдан чиқарилади. Буюртмачиларга жойида топшириладиган ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида қолади.

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2800 счети бўйича 2022 йил бошига 20 923 367,0 минг сўмлик қолдиқ ва йил якуни бўйича тайёр маҳсулотлар қолдиғи 20 336 577 минг сўм мавжуд.

Счет	Кирим маҳсулотлар номи	01.01.2021 й га қолдиқ	31.12.2021 й га қолдиқ
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот	20 923 367,0	20 923 367,0
	Жами:	20 923 367,0	20 923 367,0

Изоҳ: Жамият 1с программаси билан бухгалтерия баланси (Ф1) ўртасида фарқлар мавжуд. Жамият томонидан зудлик билан моддий жавобгар шахс товар моддий бойликларини инвентаризациядан ўтказишга тавсия берилди.

16. ТОВАРЛАР АУДИТИ

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 2900 счети бўйича 2022 йил бошига 412,5 минг сўм йил охирига қолдиқ мавжуд.

17. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИ (3100СЧЕТ)

Ушбу ҳисобот даврида амалга оширилган, аммо жорий қисми бўйича келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

3110 "Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи"; (ЎЗР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ Бўйруғи таҳриридаги хат боши)

3120 Олдиндан тўланган хизмат ҳақи";

3190 "Бошқа келгуси давр харажатлари". (ЎЗР АВ 12.11.2003 й. 1181-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ Бўйруғи таҳриридаги банд)

Бу счётларда қуйидагилар билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилиши мумкин:

а) матбуотнинг даврий нашрларига йиллик обунанинг жами суммасини олдиндан тўлаш;

б) мулкнинг йиллик суғуртасини тўлаш;

в) келгуси даврлар учун оператив ижара тўлови бадаллари ва келгусида таннархга киритилиши мумкин бўлган бошқа харажатлар. (ЎЗР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ Бўйруғи таҳриридаги кичик банд)

Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (3100)да ҳисобга олинган харажатлар, харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида ҳисобдан чиқарилади. Келгуси давр харажатларини жорий харажатларга ҳисобдан чиқариш ўрнатилган муддат давомида ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ёки миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

3110 "Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи" счётида ушбу ҳисобот даврида тўланган, аммо келгуси ҳисобот даврига тегишли оператив ижара ҳақи ҳисобга олинади, масалан, Жамият йил бошида бир йил учун олдиндан ижара ҳақини тўлади. (ЎЗР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ Бўйруғи таҳриридаги банд)

3120 "Олдиндан тўланган хизмат ҳақи" счётида ушбу ҳисобот даврида олдиндан ҳақи тўланган, аммо келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган хизматлар ҳисобга олинади. Ушбу счётда обуна бўйича харажатлар ва бошқаларни акс эттириш мумкин.

3190 "Бошқа келгуси давр харажатлари" счётида 3110 "Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи" ва 3120 "Олдиндан тўланган хизмат ҳақи" счётларида ҳисобга олинмаган бошқа олдиндан тўланган харажатлар ҳисобга олинади. (ЎЗР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ Бўйруғи таҳриридаги хат боши)

Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (3100) бўйича аналитик ҳисоб счётлар, харажат моддалари ва объектлари (йўналишлари) бўйича юритилади. (ЎЗР АВ 12.11.2003 й. 1181-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ Бўйруғи таҳриридаги банд)

Жамият балансида бош китоб маълумотлари бўйича 3100 счёт бўйича 2021 йил бошига 39 917,6 минг сўм ва йил якунига 60 259,0 минг сўм қолдиқ мавжуд:

Кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (3200)

Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи ва кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми бўйича ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

3210 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи";

3220 "Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар";

3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар".

3210 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётида вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғининг жорий қисми ҳисобга олинади.

Вактинчалик фарқларга тегишли солиқларнинг ҳисобланиши умумий суммада 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счётининг кредитида ва жорий қисми 3210 "Вактинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг дебитида акс эттирилади.

Кечиктирилган солиқларнинг тегишли қисмини узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказиш 3210 "Вактинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг дебити ва 0950 "Вактинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг кредитида акс эттирилади.

Солиқни кечиктирилган харажатларнинг тегишли суммасига камайтириш юз берадиган даври келганда солиқ суммаси 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счётининг дебитида ва 3210 "Вактинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг кредитида акс эттирилади. Шундай қилиб, 3210 "Вактинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг дебитидаги қолдиқ жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган умумий солиқ суммасини камайтирилиши лозим бўлган солиқ суммасининг жорий қисмини кўрсатади.

3220 "Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар" счёти қопланиш муддати давомида харажатларга тақсимланиб бориладиган облигация дисконт (чегирма)лар бўйича корхонанинг узоқ муддатли кечиктирилган харажатларининг жорий қисмини акс эттиради. Ушбу счёт фақат облигацияларни сотувчи (эмитент)лар томонидан қўлланилади. Облигацияларни чегирма билан сотиш 3220 "Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар" ёки 0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счётлари дисконт (чегирма)лар суммаси ва олинган суммага пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар дебитида ва 6830 "Тўланадиган облигациялар" ёки 7830 "Тўланадиган облигациялар" счётининг кредитида акс эттирилади. Облигациялар бўйича жорий дисконт (чегирма)лар ҳисобланганда 9610 "Фоишлар қўринишидаги харажатлар" счёти дебетланади ва 3220 "Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар" счёти кредитланади.

Бошқа кечиктирилган харажатларнинг жорий қисмига, узоқ муддатли қисми 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счётида ҳисобга олинадиган ва келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларда (3100) ҳисобга олиш назарда тутилмаган харажатлар киради. Масалан, саноатнинг мавсумий тармоқларида ишлаб чиқаришга тайёргарлик, ернинг рекультивацияси ва бошқалар билан боғлиқ харажатлар.

3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счётининг дебитида бошқа кечиктирилган харажатлар 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади. Бу харажатларни жорий харажатларга ўтказиш даврининг вақти келганида улар 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счётининг кредитидан ушбу харажатларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг дебитида ўтказилади.

3210 "Вактинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи", 3220 "Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар", 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счётлари бўйича аналитик ҳисоб кечиктирилган харажатларнинг ҳар бир тури, ҳар бир даври ва ҳисобдан чиқариш муддатлари бўйича юритилади.

Мазмуни	Йил бошига 01.01.2022 йил	Кирим	Чиким	Йил охирига 31.12.2022 йил
Кечиктирилган узок муддатли харажатлар	32 606 157	5 933 262		38 539 420
Жами:	32 606 157	5 933 262		38 539 420

18. ЖОРИЙ ДЕБИТОРЛИК ВА ЖОРИЙ КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИНИНГ АУДИТИ

Етказиб берувчилар, бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текшириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 й.даги ПҚ - 1154 сонли "Жамият ва ташкилотлар раҳбарларининг халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтидалиги учун жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилди.

Харидорлар ва мижозлар билан ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар, аҳамиятли даражада, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китобларни солиштирма-текширув (акт-сверка) ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Жамиятнинг 2022 йил 31 декабрь ҳолатига кредиторлик қарзлари қуйидагилардан иборат:

Счет	Номланиши	(минг сўм) Сумма
6000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	56 765 863
6120	Шўъба ва қарам ҳўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар	5 605
6240	Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича тўловлар	
6400	Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар	806 691
6510	Сугурга бўйича тўловлар	34 079
6520	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	
6600	Таъсисчиларга бўлган қарзлар	99 855
6700	Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар	444 796
6810	Қисқа муддатли кредитлар	
6900	Турли кредиторларга бўлган қарзлар	162 569
	Жами:	59 098 574

ЖОРИЙ ДЕБИТОР ҚАРЗДОРЛИК

Жамият балансининг 01.01.2022 йил ҳолатига кўра жорий дебиторлик қарзлари 11 656 069 минг сўмни, ҳисобот йили охирида 9 295 193 минг сўмни ташкил этди.

Узоқ муддатли дебитор қарздорлик мавжуд эмас. Шу билан бирга, 2022 учун жорий дебиторлик қарзлари қуйидагича тақсимланади:

Счет	Номланиши	Сумма
4000	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи	3 777 751
4120	Шўъба ва қарам ҳўжалик жамиятларнинг қарзи	5 287 562
4200	Ходимларга берилган бўнақлар	33 803

4400	Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича тўловлар	73 141
4500	Махсадли фонларга аванс	30 296
4700	Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари	92 640
4800	Бошқа дебиторлик қарзлари	-
Жами:		9 295 193

19. ҒАЗНА ВА ҒАЗНА МУОМАЛАЛАРИ АУДИТИ

Ғазна операцияларини амалга ошириш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/17 сонли қарорига № 2687 сон билан 2015 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари»га асосан амалга оширилиши керак. Ушбу тартибга асосан Жамиятлар ғазнаси 1 қаватда жойланиши, хона эса икки эшик билан ёпилиши, дераза-ромлар ўртасидаги оралиқлари ёки хонанинг ички томонидан темир панжаралар билан мустаҳкамланиши ишга яроқли ўт ўчириш воситаси бўлиши, кўп босқичли сигнализацияси ҳамда 200x300 мм дан ошмаган ғазна дарчасига эга бўлиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

Ғазна қолдиқ лимити 1,0 минг сўм белгиланган. Текширишда лимитдан ортиқ қолдиқ аниқланмади.

Ғазнага кирим ва чиқим қилинган пуллар белгиланган тартибда расмийлаштирилиши текширилганда, 2021 йил бошига қолдиқ мавжуд эмас, йил давомида ғазнага нақд пул 240 610,0 кирим қилинган ҳамда 240 610,0 минг сўм чиқим қилинган. 2022 йил охирига кассада қолдиқ мавжуд эмас. Аудит давомида фарқлар аниқланмади.

20. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИНГ АУДИТИ

Бухгалтерия балансининг 320-қатор "Пул маблағлари" бўйича аудит касса ҳисоби операцияларининг молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг ўз вақтидалиги, тўлиқлиги ва ишончлилиги мақсадида танлов асосида амалга оширилди. Жамиятнинг ҳисобот даври учун балансининг 320-қаторида акс эттирилган пул маблағлари қуйидагилардан иборат:

Касса бирламчи ҳужжатлари хронологик тартибда тўлдирилган.

Касса китоби 1С дастурида сақланади, пул муомаласи санасида касса китобининг варақлари тўлдирилади ва масъул шахслар томонидан имзоланади.

2022 йил бошига 841 541 143 сўм ва охирига 254 678 232 сўм қолдиқ мавжуд.

Банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари

Ҳисобот йили учун пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари бўйича айланмалар (сўмда):

5110	01.01.2022й.	Дт оборот	Кт оборот	31.12.2022й.
Хамкор банк Кўкон бўлими	841 541 143	28 671 080 311	29 257 943 222	254 678 232
Жами	841 541 143	28 671 080 311	29 257 943 222	254 678 232

Махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари ҳисоби ҳисобварақларида улгуржи савдо, корпоратив карточкалар ва бошқалар учун очилган ҳисобварақлардаги пул маблағлари ҳаракати акс эттирилади.

ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ

Жамиятда 5200 чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётида 2022 йилнинг 01 январ ҳолатига (сўмда)

Ҳисобот йили учун пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари бўйича айланмалар (сўмда):

5210	01.01.2022й.	Дт оборот	Кт оборот	31.12.2022й.
Хамкор банк Қўқон бўлими	62 022	139 866 661	139 866 661	62 022
Жами	62 022	139 866 661	139 866 661	62 022

КОРПАРАТИВ КАРТА СЧЕТЛАРДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ АУДИТИ

21-сонли БХМС га мувофиқ, 5500 “Банкдаги махсус счетлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар” да Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет мамлакатлардаги аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида, шунингдек мақсадли молия таштириш пул маблағларининг алоҳида сақланадиган қисмининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилади.

Ҳисобот йили учун пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари бўйича айланмалар (сўмда):

5540	01.01.2022й.	Дт оборот	Кт оборот	31.12.2022й.
Хамкор банк Қўқон бўлими	-	240 094 000	240 094 000	-
Жами	-	240 094 000	240 094 000	-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 18.04.2005й. 1470-сон билан тасдиқланган "Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом" га мувофиқ: *корпоратив банк картаси эгаси юридик шахс ёки у томонидан ваколат берилган шахс бўлиб, юридик шахснинг эмитент банк билан тузилган шартнома асосида корпоратив банк картасидан фойдаланади. Шу билан бирга, юридик шахс банк картаси эгаси сифатида фақат ушбу юридик шахснинг у билан тўлиқ жавобгарлик шартномасини тузган ходимларига рухсат бериши мумкин.*

Изоҳ: Масъул шахслар ҳар ойда аванс ҳисоботи тайёрлашмаган.

Танланма аудит натижасида пул маблағларини қабул қилиш, ички ўтказиш ва тасарруф этиш бўйича операцияларнинг тўғрилиги, ишончилиги ва тўлиқ қайд этилиши, шунингдек, юридик шахсларда пластик карталардаги пул маблағлари билан тузилган битимларнинг ҳужжатларини расмийлаштирилишининг тўғрилиги билан боғлиқ айрим қоидабузарликлар аниқланди.

ҚИСКА МУДДАТЛИ ИНВИТИЦИЯ БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ

Жамиятда 5830 чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётида 2022 йилнинг 01 январ ҳолатига

Ҳисобот йили учун пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари бўйича айланмалар (сўмда):

5540	01.01.2021й.	Дт оборот	Кт оборот	31.12.2021й.
Хамкор банк Қўқон бўлими	101 000 000	1 000 000 000	1 017 800 000	83 200 000
Жами	101 000 000	1 000 000 000	1 017 800 000	83 200 000

Аудиторнинг хулосалари: Аудит давридаги маблағларнинг ҳисоби Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талаблари айрим ҳолларда бузилган ҳолда амалга оширилган.

21. Камомадлар ва қийматликларнинг

**бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий
активларни ҳисобга олувчи счётлар (5900)**

Қийматликларни тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва инвентаризация қилиш жараёнларида аниқланган камомад, талон-тарож ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотиш суммалари, шунингдек ушбу бўлимнинг юқорида келтирилган счётларида ҳисобга олинмаган, бироқ

Жамият мулки ҳисобланган бошқа жорий активларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”;

5920 “Бошқа жорий активлар”.

Товар-моддий захиралари, асосий воситалар ва номоддий активларнинг камомади ва бузилиши 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” счётининг дебети ва товар-моддий захираларини ҳисобга олувчи счётлар ва асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши ҳамда турли чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” счётининг кредитида қуйидаги:

а) қийматликларнинг табиий йўқотиш меъёрларидан ортиқ камомадлари, қийматликларнинг бузилиши, йўқолиши ва ўғирланишининг аниқ айбдорлари аниқланганда - 4860 “Даъволар бўйича олинадиган счётлар”, 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи” счётларининг дебети;

б) қийматликларнинг табиий йўқотиш меъёрларидан ортиқ бузилиши ва ўғирланишидан йўқотишлар, аниқ айбдор шахси аниқланмаганда ва даъво тасдиқланмаганлиги натижасида суднинг эътирози - 9430 “Бошқа операцион харажатлар” дебетига ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб уларнинг турлари бўйича юритилади.

5920 “Бошқа жорий активлар” счётининг дебетида ушбу бўлимнинг юқорида келтирилган счётларида ҳисобга олиниши мўлжалланмаган жорий активлар акс эттирилади. 5920 “Бошқа жорий активлар” счётининг кредитида бошқа жорий активларнинг сарфланиши акс эттирилади.

5920 “Бошқа жорий активлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб уларнинг турлари бўйича юритилади.

Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар (5900)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	ТМЗнинг йўқолиши ва бузилишидан камомадлар	5910	1010-2990
2	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг йўқолиши ва бузилишидан йўқотишлар	5910	9210, 9220
3	Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган суммалар	4860, 4730	5910
4	Ундирилмаган суммалар ҳисобдан чиқарилди, шунингдек камомадлар зарарга олиб борилди	9430	5910
5	Пул ўтказиш йўли билан бошқа жорий активлар сотиб олинди	5920	5110
6	Ҳисобдор шахслар орқали бошқа жорий активлар сотиб олинди	5920	4220-4290 6970
7	Бошқа жорий активларнинг сарфланиши	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	5920

22. УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ АУДИТИ

Жамиятнинг узоқ муддатли кредитлари, қарзлари ва кредиторлик қарзлари мавжуд эмас.

23. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ҲИСОБИНИНГ АУДИТИ

Жамият устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8310 “Оддий акциялар”;

8320 “Имтиёзли акциялар”;

8330 “Пай ва улушлар”.

Устав капитали - бу таъсис ҳужжатида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) Жамият мулкига қўйган маблағлари (улушлари, акциялар номинал қийматида ва ҳоказолар)нинг пул ифодасидаги йиғиндисидир. Устав капиталини шакллантириш жараёни Жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тартибга солинади.

Устав капитали рўйхатдан ўтказилган ҳажмда ёки тўланган акцияларнинг номинал қиймати йиғиндиси миқдорида акс эттирилади. Устав капиталининг ҳажми рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларидаги суммадан ошиб кетиши мумкин эмас. Жамият устав капиталининг қўпайиши ёки камайиши фақат таъсисчиларнинг қарори асосида ва таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Акциядорларга Жамият устав капиталидаги улушининг қайтарилиши устав капитали миқдорини камайтирмайди ва бу муомала айнан акциядорлик жамиятининг сотиб олинган хусусий акциялари каби 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий” ва 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли” счётларининг дебитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

8310 “Оддий акциялар” счёти оддий акцияларни ўзида мужассамлаштирган акциядорлик капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин унинг устав капитали эмиссия проспектида рўйхатга олинган суммада 8310 “Оддий акциялар” счётининг кредити ва 4610 “Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари” счётининг дебитида акс эттирилади. Жамиятнинг акциядорлик капитали ҳисобда рўйхатдан ўтган, лекин эмиссияси тугалланмаган миқдорда ҳисобга олиниши сабабли эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган) чиқарилган (акциядорлар томонидан обуна амалга оширилган) ва муомаладаги оддий акцияларнинг ҳар қайси эмиссияси бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритиш талаб этилади.

Акциядорлик жамиятлари ўз устав капиталини муомалага қўшимча акциялар чиқариш ёки муомаладаги акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан ошириши мумкин. Акциядорлик жамиятлари устав капитали миқдори акциялар номинал қийматининг пасайиши, Жамиятлар томонидан акцияларнинг бир қисмини акция эгаларидан сотиб олиниши натижасида камайиши мумкин.

Акциялар ликвидлигини ошириш мақсадида уларни майдалаб юбориш яъни, уларнинг номинал қийматини мутаносиб равишда камайтириб умумий миқдорини қўпайтириш усули қўлланилади. Акцияларни майдалаш натижалари акциядорлар капиталининг ҳажмига таъсир кўрсатмай, фақатгина янги муомаладаги акцияларнинг номинал қиймати ва миқдорини қўпайтириши сабабли ушбу муомалалар бўйича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди. Ушбу муомалаларни 8310 “Оддий акциялар” счётига очилган аналитик ҳисоб регистрларида қайд қилиш зарур.

8320 “Имтиёзли акциялар” счёти имтиёзли акция кўринишида чиқарилган акциядорлик капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциялар 8310 “Оддий акциялар” ва 8320 “Имтиёзли акциялар” счётларда номинал қийматлари бўйича ҳисобга олинади.

8310 “Оддий акциялар” ва 8320 “Имтиёзли акциялар” счётлар бўйича аналитик ҳисоб Жамиятнинг таъсисчилари ва капиталнинг шаклланиш босқичи бўйича маълумотларнинг шаклланишини таъминлаши шарт.

8330 “Пай ва улушлар” счёти Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари асосан қатнашувчиларнинг улушларини ўзида мужассамлаштирган устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Давлат Жамиятлари давлат томонидан ажратилган асосий ва айланма маблағлардан ташкил қилинган устав капиталини белгиланган тартибда шакллантиради.

Жамият рўйхатдан ўтгандан кейин унинг устав капитали таъсисчиларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган пай ва улушларидан ташкил топади ва 8330 “Пай ва улушлар” счётининг кредити, ҳамда 4610 “Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари” счётининг дебет томонида акс эттирилади.

8330 “Пай ва улушлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб Жамиятнинг ҳар бир таъсисчиси бўйича алоҳи, юритилади.

2022 йил 31.12.га қолдик (минг сўм)

сч №	ЖАМИЯТ НОМИ	СУММАСИ
8310	Устав фонди	20 128 068
	ЖАМИ	20 128 068

24. Резерв капитали аудити

Жамият таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантириладиган резерв капитали (фонд), мулкни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция резервлари, пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: (ЎзР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруғи тахриридаги хат боши)

8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”;

8520 “Резерв капитали (фонди)”; (ЎзР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруғи тахриридаги хат боши)

8530 “Текинга олинган мулк”.

8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётида мулкларни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган ўзгаришлар ҳисобга олинади. Мулкларни қайта баҳолаш натижасида резерв капиталининг шаклланиши ва тўлдирилиши 8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётининг кредитида қайта баҳолаш натижасида қиймати ошган мулкларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида мулкларнинг қиймати камайса, камайган сумма ўша мулкнинг навбатдаги қиймати ошиши ҳисобига тўлдирилади ва у 8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётининг дебитида акс эттирилади. Шу мулкнинг аввалги қайта баҳолашдаги қийматидан ошган арзонлаштирилган сумма харажат сифатида тан олинади ва 9430 “Бошқа операцион харажатлар” счётида акс эттирилади.

Мулкни қайта баҳолаш бўйича жамланган сумманинг таъсисчилар ўртасида тақсимланиши 8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётнинг дебитида 6620 “Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

8520 “Резерв капитали (фонди)” счёти Жамият томонидан таъсис ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилган резерв капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Резерв капитали (фонди) маблағлари Жамият зарарларини қоплаш ва бошқа қоплаш манбалари бўлмаган бошқа мақсадларга сарфланиши мумкин.

Резерв капитали (фонди)нинг шаклланиши 8520 “Резерв капитали (фонди)” счётининг кредитида 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади. (ЎзР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруғи таҳриридаги банд)

8530 “Текинга олинган мулклар” счёти Жамият томонидан текинга олинган мулкни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Текинга олинган мулклар 8530 “Текинга олинган мулклар” счётининг кредитида Жамият мулкларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Текинга олинган мулклар қиймати солиққа тортиш мақсадида умумий Жамият умумий даромадига қўшилади. Текинга олинган мулкларни солиққа тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги билан тартибга солинади.

2022 йил 1.01.га қолдик (минг сум)

сч №	ЖАМИЯТ НОМИ	СУММАСИ
8510	Захира капитали асосий воситани қайта баҳолаш	6 718 031,3
8520	Резерв капитал фойдадан ажратма	540 216,7
	ЖАМИ	7 258 248,1

Изоҳ: Йил боши ҳамда охиридаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бухгалтерия баланси маълумотларига мос келади.

Тақсимланмаган фойда Аудити

Жамиятнинг барча йиллар бўйича фаолияти ва ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар суммасининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)”;

8720 “Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)”

8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётида Жамиятнинг ҳисобот даврида фаолияти бўйича тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олинади.

Соф фойда суммаси ҳисобот даврининг охирида якуний ёзув билан 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётининг кредитига, зарар суммаси эса ушбу счётнинг дебетига 9900 “Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” счёти билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Тақсимланмаган фойда суммаси дивидендлар тўлаш учун йўналтирилганда 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётининг дебетига ва 6610 “Тўланадиган дивидендлар” счётининг кредитида акс эттирилади.

2022 йил 31.12.га қолдик (минг сум)

сч №	ЖАМИЯТ НОМИ	СУММАСИ
8710	Тақсимланмаган фойда	2 538 157
	ЖАМИ	2 538 157

25. ИШ ҲАҚИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА ХОДИМЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИ

Ходимларни ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексига (21.12.1995 й.да Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган), “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида” ги Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 29.01.1998 й. 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган), “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб

чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида" ги Низом (ЎЗР ВМ нинг 05.02.1999 й. 54-сон қарорига илова) ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ текширилди.

Бухгалтерия балансининг "иш ҳақи қарздорлиги" ни ҳисобга олиш учун баланс 720 сатрининг аудити бухгалтерия ҳисоботларида иш ҳақи бўйича операцияларни ҳисобга олишнинг ўз вақтида, тўлиқлиги ва ишончлилиги учун танланган усул билан амалга оширилди. Аудиторлик текшируви давомида ҳисобот даврида ҳисобварақлар бўйича қуйидаги айланмалар амалга оширилганлиги аниқланди:

(минг сўмда)			
№ п/п	Кўрсаткич номи	Дт (минг сўм)	Кт (минг сўм)
1	Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар (6710счет)	7 002 675,1	7 181 423,4

2022 йилда ходимларнинг ўртача сони 324 кишини ташкил этди.

Биз иш ҳақини ҳисоблаш тартибини танлаб олиш усулида текширдик.

Иш ҳақини ҳисоблаш штат жадвали ва ойлик иш жадвали асосида амалга оширилади. Иш вақтини ҳисобга олиш учун асосий ҳужжатларни, ходимлар билан ҳисоб-китобларни текшириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилди.

26. ДАРОМАДЛАР АУДИТИ

Бюджет ва Жамиятнинг бюджетдан ташқари маблағлари билан даромад, харажатлар ва ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 2-сонли БХМС "Асосий иқтисодий фаолиятдан даромад", Солиқ кодекси, "Ишлаб чиқариш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш учун харажатлар таркиби ва молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом" (ХТН) ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ текширилди. Солиқлар бўйича даромадлар ва харажатлар таснифи Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботида асосий фаолиятдан олинган даромадлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (№ 2 шакл) 010-қаторда акс эттирилади. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар - 090-сатрда, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар - 110-сатрда. Жамият бухгалтерияси даромадларни ҳисобга олишда 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 9310, 9350 ва бошқа счётлардан фойдаланади

Жамият даромадлари қуйидагилардан ташкил топади:

- товар сотишдан олинган даромадлар;
- биноларни ижарага беришдан;
- қарз маблағларини беришдан олинган фоизли даромадлар;
- ижобий курс фарқларидан.

Молиявий ҳисобот ва бухгалтерия кўрсаткичларини таққослаш

№ п/п	2022 й. Учун кўрсаткич номи	Форма №2 минг сўм	Бухгалтерия ҳисоби минг сўм
1	Маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар)ни сотишдан соф тушум	27 482 187	27 482 187
2	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	122952	122952
3	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	2159040	2159040
4	Фавқулодда фойда ва зарарлар	0	0
	Жами даромадлар:	29 764 179	29 764 179

Изоҳ: молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий натижа ҳисоботи ўртасида миқдорида фарқ мавжуд эмас.

27. ХИЗМАТЛАР ТАННАРХИ, ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ АУДИТИ.

Харажатлар ҳисоби солиқ кодекси, "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом" (ХТН) ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ текширилди.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботларида харажатлар - молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2 - шакл): 020-сатрда сотиш қиймати, давр харажатлари-040-сатрда, молиявий фаолият бўйича харажатлар-170-сатрда акс эттирилган.

"ҚЎКОН МЕХНИКА ЗАВОДИ" АЖНИНГ 2021 ЯКУНИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

(сўм)

ҚЎРСАТКИЧЛАР	Сат р рақа ми	“Қўқон механика заводи” АЖ				Натижа	
		Ҳисобот даврида 2022		Аудитда 2022			
		Даромад (фойда)	Харажат (зарар)	Даромад (фойда)	Харажат (зарар)	Даромад (фойда)	Харажат (зарар)
Махсулот (иш,хизмат) сотишдан ташган ташум	010	27 482 187 000		27 482 187 749		749	0
Сотилган махсулот (товар ва хизмат) ларни таннархи	020		25 234 197 000		25 234 197 194	0	194
Махсулот (иш,хизмат) сотишни ялпи фойдаси (010-020)	030	2 247 990 000		2 247 990 555		555	0
Давр харажатлари жами (050+060+070+080)	040		3 809 896 000		3 809 896 250		250
сотиш харажатлари	050		69 251 000		69 250 971		-29
Маъмурий харажатлар	060		1 911 916 000		1 911 916 284		284
Бошқа операцион харажатлар Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	070		1 828 729 000		1 828 728 995		-5
	080						0
Асосий фаолиятни бошқа даромадлари	090	122 952 000		122 951 845		-155	
Асосий фаолиятни фойда (зарари) (030-040+090)	100	-1 438 954 000		-1 438 953 851		149	
Молиявий фаолиятни даромадлар жами (120+130+140+150+160)	110	2 159 040 000	0	2 159 040 299		299	
Дивидент шаклидаги даромадлар	120					0	
Фоиш шаклидаги харажатлар	130	9 931 000	0	9 931 507			
Узок муддатли ижарадан (лизингдан) даромадлар	140						
Валюта курси фаркидаги даромадлар	150						
Молиявий фаолият бўйича даромадлар	160	2 149 109 000		2 149 108 792		-208	
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (180+190+200+210)	170		84 906 000	0	84 906 121		121
Фоиш шаклидаги харажатлар	180						0
Узок муддатли ижара бўйича фоиш куринишидаги харажатлар	190						
Валюта курси фаркидаги зарарлар	200		84 906 000		84 906 121		

Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар	210				0		0
Умумий хужалик фаолиятини фойдаси (зарари) 100+110-170	220	635 180 000		635 180 327		327	
Фавкулотда фойда ёки зарар	230						
Даромад ва фойда солигини тулагунга қадар фойда ва зарар (220+/-230)	240	635 180 000		635 180 327		327	
Даромад ва фойда солиғи фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	250		125 134 000		125 134 826		826
Жамият соф фойдаси (240-250-260)	260					0	
	270	510 046 000		510 045 501	0	-499	

Ҳисобот даврининг молиявий натижаси:

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра: 510 046,0 минг сўм соф фойда;

- аудитор ҳисоби: соф фойда 510 046,0 минг сўм.

Фарқи: - аниқланмади.

28. БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИ

Балансинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалари билан ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби аудити бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловларни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия операцияларининг ўз вақтида, тўлиқлиги ва ишончлилиги учун танланма усул билан амалга оширилди.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар билан ҳисоб-китобларни аудит қилиш жараёнида аудит режаси ва дастурига мувофиқ зарур аудиторлик процедуралари ўтказилди.

Жисмоний шахслар даромадига солиқ.

Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг 52 боб 364-365-371-375-376-377-моддаларига асосан солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар солиқни тўловчилар этиб белгиланган.

Жамиятда 2022 йил давомида ишчи ва хизматчилардан даромад солиғи ушлаб келинган.

Жамиятда 2022 йил давомида ишлаган ходимлардан юқоридаги бандларда келтирилган меъёрий ҳужжатлар асосида, танлаб олиш йўли билан аудит текширувидан ўтказилганда, даромад солиғининг ортиқча ёки кам солиқ ушлаш ҳолатлари аниқланмади, бироқ жамият пахта қабул қилиш масканларидаги мавсумий ишчилардан ушланган даромад солиқларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг фарқларини ДСИга қайта ҳисобот кўндиришни жамият бош ҳисобчисига тавсия қилинди.

- Даромад солиғи ҳисоботда – **823 549,5 минг сўм**
- Аудитда – **823 549,5 минг сўм**

Фарқи – **аниқланмади.**

Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар.

■ Ягона Ижтимоий тўлов.

Жамият Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ Кодексининг 58 боб 402-403-404-моддаларига асосан ягона ижтимоий тўловни тўловчиси ҳисобланади.

Аудит текшируви юқоридаги Кодекснинг 402-404- моддалари талаблари асосида ўтказилди.

Жамиятда аудит натижаси бўйича ягона ижтимоий тўлов ҳисобланадиган иш ҳақи фонди яъни солиқ базаси 6 816 782,8 минг сўмни ташкил этиб, 818 013,9 минг сўмлик 12% ягона

ижтимоий тўлов ҳисобланди. Жамият солиқ органига кўндирган ҳисобот кўрсаткичлари аудит натижасига мос келади.

- Ягона ижтимоий тўлов ҳисоботда – **818 013,9 минг сўм**
- Аудитда – **818 013,9 минг сўм**
- Фарқи – **аниқланмади**

Аудитор хулосалари: солиққа тортиладиган базаларни шакллантириш ва Жамият томонидан аудиторлик текширувидан ўтган даврда солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоб-китоб қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ айрим муҳим оғишлар билан амалга оширилган.

ФОЙДА СОЛИҒИ:

Жамият Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг 294-моддасига асосан фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади.

295-модда. Солиқ солиш объекти

Солиқ тўловчи томонидан олинган фойда фойда солиғи (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ушбу бўлим мақсадида қуйидагилар фойда деб эътироф этилади:

1) юридик шахс учун – ушбу бўлимда назарда тутилган жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

2) фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидент учун – ушбу Кодекснинг 49-бобида белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ушбу бўлимда назарда тутилган доимий муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган жами даромад (шу жумладан бундай доимий муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар) ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

3) норезидент учун – ушбу Кодекснинг 50-бобида белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар;

4) якка тартибдаги тадбиркор учун – ушбу Кодекснинг 51-бобида белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ушбу бўлимда назарда тутилган жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

5) зиммасига оддий ширкат ишларини юритиш юклатилган шахс учун – биргаликда ишлаб чиқарилган товарни (кўрсатилган хизматни) реализация қилишдан олинган даромад ва биргаликда ишлаб чиқарилиб реализация қилинган товарга (хизматга) тўғри келадиган биргаликдаги фаолиятга киритилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал кунги №54 сонли «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом ва унга киритилган ўзгартиришларга асосан белгиланган чегирмаларни чегириб, иловаларини қайта ҳисобга олгандан кейинги солиққа тортиладиган фойда ҳисобидан 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, 15 фоиз ставкада фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади.

Жамиятда фойда солиғининг ҳисобланиши юқоридаги бандда қайд этилган меъёрий ҳужжатлар талаблари ва унга киритилган қўшимчалар асосида аудит текшируви ўтказилди.

Аудит ҳисоби бўйича жамиятнинг хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича, солиқ тўлангунча фойдаси Ф-2 Молиявий натижалар ҳисоботининг 240 сатр 635 180,0 минг сўм фойда бўлиб, юқоридаги Низомнинг 1-илоvasида келтирилган солиқ тўлангунча фойдага қайта қўшиладиган харажатлар 199 051,8 минг сўм. Солиқ солинадиган база 834 232,2 минг сўм солиқ солинадиган бўлиб, фойда солиғи суммаси 125 134,8 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич жамиятнинг ДСИга кўндирган ҳисобот маълумотларига мос келмайди.

- Фойда солиғи ҳисоботда – **125 134,8 минг сўм**
- Аудитда – **125 134,8 минг сўм**
- Фарқи – **аниқланмади.**

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ:

Жамият Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ Кодексининг 197-моддасига асосан қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланади.

Солиққа тортиладиган оборотни тўғри белгилаш мақсадида, ушбу Кодекснинг 222-моддаси тартибида Жамиятларда реквизитлари тўлиқ тўлдирилган счет-фактуралар юритилиши, шунингдек, Жамиятлар бухгалтерияси Жамиятга келиб тушган ва тақдим этилган счет-фактуралар реестрини юритилиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Жамиятда қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланиши юзасидан аудит текшируви Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ Кодексининг 197-228 моддаларининг талаблари ва бошқа солиққа оид ҳукумат қарорлари асосида ўтказилди.

Аудитда 2022 йил давомида 27 482 187,7 минг сўмлик сотилган маҳсулот ва ҚҚС 4 122 328,1 минг сўм, Сотиб олинган маҳсулотлар ва хизматлар 20 277 829,2 ҚҚС си 3 017 535,4 минг сўмни ташкил этиди, Ҳисобга олинган ҚҚС 1 104 792,8 минг сўмни ташкил қилади.

- ҚҚС ҳисоботда – **1 193 417,2 минг сўм**
- Аудитда – **1 104 792,8 минг сўм**
- Фарқи – **88 624,4 минг сўмга камайтиришга.**

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҒИ:

Жамият Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ Кодексининг 63 боб 441-442-443–моддасига асосан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи ҳисобланади. Солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабр кунги ПҚ № 4938 сон қарорининг 14-иловасига асосан белгиланган. Шунингдек, ушбу Кодекснинг **Солиқ базаси** Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ базасидир.

Солиқ базаси;

Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ базасидир.

Жамиятда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ юқоридаги Кодекснинг 442-443 моддаларининг талаблари асосида ўтказилди.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

- Сув солиғи ҳисоботда – **16 415,8 минг сўм**
- Аудитда – **16 415,8 минг сўм**
- Фарқи – **аниқланмади.**

МУЛК СОЛИҒИ:

Жамият Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг 59 боб 410-411-412-моддаларига асосан ўз балансидаги мол-мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан 2022 йил учун мол-мулк солиғи тўловчиси ҳисобланади.

Жамиятда мол-мулк солиғини тўғри ҳисобланиши юзасидан аудит текшируви Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 410-412 моддаларининг талаблари асосида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан солиқ базаси ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидир.

Аудит ҳисоби бўйича йиллик мулк солиғи суммаси 595 212,6 минг сўмни ташкил этди. Бу сумма жамият томонидан ДСИга тақдим этилган солиқ суммага мос келади.

- Мол-мулк солиғи ҳисоботда – **595 212,6 минг сўм**
- Аудитда – **595 212,6 минг сўм**
- Фарқи – **аниқланмади.**

ЕР СОЛИҒИ:

Жамият Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 424-425-426-427-моддаларига асосан мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланаётган ер майдондари бўйича 2022 йил учун белгиланган ставкаларда ер солиғи тўловчиси ҳисобланади.

Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширганда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган ер участкаси бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаганда, солиқ базаси солиқни тўлаш назарда тутилган фаолиятдан олинadиган соф тушумнинг умумий соф тушум ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

- Ер солиғи ҳисоботда – **539 438,4 минг сўм**
- Аудитда – **539 438,4 минг сўм**
- Фарқи – **аниқланмади.**

Аудит якуни бўйича жамиятда 2022 йил йиллик солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қуйидаги фарқлар аниқланди.

(Сўмда)

№	Солиқ ва мажбурий тўловлар номи	Қўшимча Тўловга	Камайтиришга
1	Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи		
2	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи		
3	Қўшилган қиймат солиғи		88 624 407
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ		
5	Мол-мулк солиғи		
6	Ер солиғи		
7	Ягона ижтимоий тўлов 12 %		
	ЖАМИ		88 624 407

29. АКТИВЛАР БУТЛИГИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Жамиятда активлар бутлигини таъминлаш мақсадида моддий жавобгар шахслар билан тўлиқ молиявий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар тузилади, участкалар раҳбарлари ва бошқа моддий жавобгар шахслар таътилга чиққанда қабул қилиш ва топшириш далолатномалари тузилади.

30. МОЛИЯ-ХҲЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Қиймати ва баҳолаш. Жамият томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текширишда auditor молиявий ҳисоботларнинг ишончилигига таъсир қилиши ёки эгасининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиши мумкин бўлган норма ва қоидаларни кўриб чиқади. Аниқланган қоидабузарликлар аҳамиятлилик ва келажақда юзага келиши мумкин бўлган хавфлар нуктаи назаридан баҳоланади.

Корпоратив ҳуқуқнинг умумий тамойилларига риоя қилиш зарурати.

Жамиятда молиявий, бухгалтерия ҳужжатларини, шартномаларни буюртма асосида расмийлаштириш тартиби белгиланган бўлиб, унда шартномаларни имзолаш, молиявий ва бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштириш масъулияти масъул мансабдор шахслар ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимланади.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ ҳўжалик муомалаларини ҳисобга олиш учун операцияларни амалга ошириш фактларини қайд этувчи бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва уларни амалга ошириш тўғрисидаги буйруқлар асос бўлиб хизмат қилади.

Бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ҳўжалик операциялари пайтида ёки улар амалга оширилгандан кейин тузилади.

31. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСИЙ КўРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ:

1. Тўлов қобилияти коэффиценти Жамиятнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов қобилиятини кўрсатади, нафақат қарздорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоблар ва тайёр маҳсулотларни, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари ҳам қулай сотиш шарти билан баҳоланади. Коэффициентнинг пасайиши Жамиятнинг тўлов қобилиятининг пасайганлигини кўрсатади.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади (минг сўм):

$$K_{\text{пл}} = \frac{A_2}{P_2 - \text{ДО}} = \frac{75\,923\,680}{59\,098\,574 - 0} = 1,28$$

A_2 -жорий (айланма) активлар (инвентар, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва бошқалар), баланс активининг II бўлими 390-сатри;

P_2 - мажбуриятлар, баланс пасивининг II бўлими 770-сатри;

ДО - узоқ муддатли мажбуриятлар, баланс пасивининг II бўлими 490-сатри.

Натижа = 1,28. Жамиятнинг тўлов қобилияти норма (1,0) дан юкори.

2. Ўз айланма активлари билан таъминланиш коэффиценти Жамиятнинг молиявий барқарорлиги, мулкдорлар ва кредиторлар манфаатлари нисбати учун зарур бўлган ўз айланма активларининг мавжудлигини тавсифлайди.

Коэффициент қуйидаги формулада аниқланади (минг сўм):

$$K_{\text{ос}} = \frac{(P_1 + D_{\text{эк2}}) - A_1}{A_2} = \frac{(29\,924\,653 + 0) - 13\,099\,547}{75\,923\,680} = 0,22$$

A_1 — узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва бошқалар), баланс активи I бўлимининг 130-сатри;

П₁ — ўз маблағлари манбалари (устав капитали, захира капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва бошқалар), баланс пассиви I бўлимининг 480-сатри;

Д_{эк2} — узоқ муддатли активларни сотиб олишга қаратилган узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрлари ҳисоб-китоблари бўйича).

Бу касрнинг сурати Жамиятнинг ўз маблағларининг қанча қисми муомалага йўналтирилганлигини кўрсатади, маҳражи - барча айланма маблағларнинг йиғиндисидир. Ушбу коэффицентнинг минимал қиймати 0,22.

Натижа = 0,22. Жамият ўз айланма маблағлари билан таъминланган.

32. Харажатлар ва активлар рентабеллиги коэффицентлари Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлик) даражасини кўрсатади.

Харажатлар рентабеллиги коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади (минг сўм):

$$K_{pp} = \frac{P_{удн}}{P} = 2,18$$

П_{удн} — солиққа тортилгунга қадар фойда - 5-устун, 240-сатр ёки зарар - № 2 шакл "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" нинг 6-устунининг 240-сатрнинг минус белгиси билан;

Р — 2-сон "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" шаклига мувофиқ жами харажатлар, қуйидаги сатрлар йиғиндиси (020 "6-устун" + 040 "6-устун" + 170 "6-устун" + 230 "6-устун").

Натижа: 2,18. Жамият харажатлари жиҳатидан рентабел самарали.

4. Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти асосий воситаларнинг давр бўйича эскириш улушини тавсифлайди ва асосий воситалар эскириш суммасининг уларнинг бошланғич қийматига нисбати сифатида аниқланади (минг сўм):

$$K_{изн} = \frac{И}{О} = 0,72$$

И — асосий воситалар эскириши — баланс активининг 011-сатри,

О — асосий воситаларнинг бошлан-ич ыймати — баланс активининг 010-сатри.

Натижа = 0,72. Жамият асосий фондларининг эскириш даражаси нормал даражада.

Умумий хулоса: Жамият асосий фондларининг эскириш даражаси нормал даражада.

III. ЯКУНИЙ ҚИСМ

Жамият раҳбариятига тақдим этилган ушбу ҳисобот ички назорат тизимларининг ҳолати ва бухгалтерия ҳисоби ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижасидир.

Аудиторлик ташкилотининг аниқланган четланишлар ва бухгалтерия ҳисоби қонунчилигининг бузилишларини бартараф этиш бўйича умумий хулоса ва тавсиялари.

Аудит давомида бухгалтерия ҳисоби тартиби, бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш, шунингдек, Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти моддий жиҳатдан

